

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№90 — 91.

(2510 — 2511).

1992 йил

30 СЕНТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИННИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Тилла АБДУЛЛАЕВ:

“Эслаб туришса бўлгани”

Учқур йиллар... Бир-бирининг ортидан қувлашиб, бир-бирининг изидан юрмай ўтиб кетаяпти, миллион-миллион инсонларнинг оғир-енгил тақдирларини қанотларига ортиб ўтляпти улар. Қоладиган эса бир дунё хотира холос...

Йиллар қанотига осилган шундай тақдирлардан бири истеъфодаги милиция генерал-майори Тилла ака Абдуллаевники. Қатағон йиллари, уруш йиллари, урушдан кейинги қийинчилик-қимматчилик йиллари, ҳар подшоҳ ўзгарганда бир бурилиб оладиган тузум йиллари... ва яна сарғайганча фақат эгаси тушунадиган тилда унсиз сўзлаётган бир тахлм суратлар...

Уларга маҳлиё бўлиб, мухбирлигим, генерал хонадонига иш юзасидан кеганлигим сал бўлмаса эсимдан чиқаёзиди. Бейхитёр бирин-кетин саволлар бераман.

— Тилла Абдуллаевич, ёшлик йилларингиз Улут Ватан уруши даврига тўғри келган эканда?..

— Ўзим 1922 йилнинг 20 октябрида Олтиариқ шаҳрида туғилганман. 19 ешимда — 1941 йилнинг охирида кўнгилли равишда урушга отландим. Аввал Тошкентдаги НКВД (ички ишлар халқ комиссарлиги) мактабда олти ой ўқидим. Сўнгра лейтенант унвони билан тўппа-тўғри Сталинградга юборишди. Уруш дахшатларини ўша ерда кўрдим. Ғалабани эса Чесоловакияда кутиб олганмиз. Унгача Харьков, Кременчуг, Полтава, Молдавия, Руминия, Польша, Германияни — мен фақат йирик шаҳарларни санаб ўтйпман, холос — қадам-бақадам, ҳар сония ўлим билан таҳдид солувчи тенгсиз жанглар

остида босиб ўтганмиз.

— Офицер сифатида қайси вазифада эдингиз?

— 116-ўқчи дивизиянинг “СМЕРШ” Контрразведка бўлимида ўқчи полк опервакили вазифасида. Харьковни озод қилишда алоҳида хизмат кўрсатганимиз учун кейинчалик дивизиямиз 116-Харьков ўқчи дивизияси деб номланган.

— Уруш давридаги энг эсда қоларли хотираларингиздан эшитсак.

— Бундай воқеалар кўп бўлган. Шулардан бири 1944 йил 20 августда юз берган. Ўшанда қаттиқ яраланганман. Иккинчисида муқаррар ўлимдан қутулиб қолганман.

(Давоми 2-бетда).

БИЗДА

БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ОБУНА — 93

Риштон райони ички ишлар бўлими ходимларидан саксондан ортиқ киши сеvimли рўзномамиз — “Постда”га 1993 йил учун обуна бўлишди. Бу рақам умумий шахсий таркибнинг 90 фоизини ташкил қилади.

Энди газета ҳақида икки оғиз сўз. Бизнинг Риштонда уни жуда-жуда сеvim бўлиши. Ишоти учун шаҳар марказидаги рўзномалар дўконини сотувчиси Раҳиммахон Муҳамедованинг сўзларидан парча келтирмоқчиман: “Менинг дўконимда энг бозори чаққон, харидортир нашрлар “Постда”, “Оила ва жамият”. Лекин афсуски, “Постда” рўзномаси

бор-йўғи икки-уч дона келади, холос. Кейин кун бўйи сўраган одамларга йўқ жавобини беришга мажбур бўламан”.

Ўзим ҳам хизмат вазифам юзасидан аҳоли ўртасида суҳбат ва мунозаралар ўтказган вақтимда “Постда”дан фойдаланаман. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда унинг сони ниҳоятда камайиб кетди. Аммо умид қиламизки, келгуси йил рўзнома сон жиҳатдан-ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсади ва оммабоп бўлади. Бу масъулиятли ишда рўзнома ижодкорларига саломатлик ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция капитани.

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Танишинг: ички ишлар вазирлиги жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш бош бошқармасининг котибияти бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти Гулнора Йўлдошева (ўнгда) ва шу котибиятнинг режим бўйича катта назоратчиси милиция кичик лейтенанти Саодат Саидова.


Ногоҳларида танлаган касбларидан мамнулик балқиб турган, истараси иссиқ бу қизлар шу даргоҳда танинишди, опа-сингил тутунишди.

Гулноранинг маълумоти олий, вазирликда иш бошлаганига 10 йил бўлди. Саодатхонга эса 2 йил, айни пайтда Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳининг учинчи босқичида сирдан тахсил оляпти.

Мураккаб иш жараёнида ҳар иккисининг билим ва иқтидори тобора чархланыпти.

Олдинда эса сирташвиш хизмат пиллапоялари.

Х. ШОДИЕВ.
Сурат муаллифники.



МАШИНА ИЛИНЖИДА


Ушбу котилик шу йилнинг бошларида бўлиб ўтган, лекин унинг илдизи узокроққа бориб тақалади. Бу жиноий ишда маънан айниб улгурган инсонларнинг жирканч башаралари яққол кўринади. Улар жамият учун бегона, ортиқча шахслар эди, зеро ҳукм ҳам шунга муносиб бўлди.

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Мухлисларимиз хотираларидан фаромуш бўлмагандир, газетамизнинг шу йил 9 сентябрь кунги сониди “Бу ҳам жасорат” деган хабарни эълон қилгандик. Унда Фаргона вилоятида янги ташкил этилган Фурқат райони ички ишлар бўлимининг икки нафар еш милиционерлари кўрсатган мардлик ҳақида сўз юритилганди.

Ўша воқеанинг барча тафсилоти ҳақида 3-бетда ҳикоя қиламиз.

БУГУНГИ СОНДА



ГОНКОНГДАН ЖЎНАТИЛГАН ТОБУТ



ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

КОТИЛ ҲИБСДА

Тошкент трактор заводи даҳасидаги 10-уйнинг 44-хонадонига А. Белякова бўғиб ўлдирилди.

Милиция ходимлари бу иш билан жиддий шуғулландилар ва марҳуманинг Ново-Кузнецкдан меҳмонга келган жияни П. И.ни ҳибсга олдилар.

Тергов жараёнида ўртадаги келишмовчилик қотиллик билан якун топганлиги аниқланди.

КАНАЛДАГИ ЖАСАД

Шайхонтохур районидаги Оқтепа каналидан боши ва оёқ-қўли боғланиб, бир неча бўлакка бўлиб ташланган мурда топилди. Мутахассисларнинг айтишича, у тахминан 35-40 ёшлар чамасидаги Оврупо миллатига мансуб шахс бўлган.

Ҳозирги пайтда оператив-тергов гуруҳининг асосий мақсади — жасаднинг шахсини аниқлаш ҳамда қўли қонга бўялган ваҳшийини ҳибсга олишдан иборат.

ҚАРОҚЧИЛАР НОИБ ХОНАДОНИДА

Қарши районидаги Ч. Бегимкулов номли давлат хўжалиги полизчилик бригадасининг бошлиғи, республика халқ ноиб Ф. Турсунов хонадонига тунда уч нафар шахс бостириб киришди. Кейин ноибнинг турмуш ўртоғидан пул талаб қилиш асносида бошига оғир буюм билан уриб, оёқ-қўлини боғлашди. Бармоғини синдириб, икки дона тилла узугини юлиб олишди. Хонадон соҳибаси тан жароҳати билан шифохонага ётқизилди.

Босқинчилар қидирилмоқда.

МАШИНА КЕРАК ЭКАН

Номаълум шахс куппа-кундузи Совет районида “Водник” ширкати ҳайдовчиси Б. Алиевга пичоқ тираб, унинг бошқарувидаги “ВАЗ-2103” белгили 28-84 НАА рақамли машинани тортиб олди.

Кўрилган шошилиш чора-тадбирлар туфайли зўравон Р. Д. қўлга олинди.

САВИЛ КЕТГАН

180000 СЎМ

Ургут районидаги “Правда” жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Сууюнов бир килою 135 грамм кўкнор ширасини оёғи олти, қўли етти бўлиб пуллаётганида... савдо чаппасига кетди.

АЁЛ ЧИНҚИРИҒИ

Тахтақўпир райони шифохонасида ишлайдиган С. Е. автобус бекатида турганида номаълум шахслар “УАЗ-469” белгили машинага босиб олиб кетишди. “Лаузанқум” деган жойда номуси паймол этилаётган шўрлик аёлнинг чинқирғини ҳеч ким эшитмади.

Ҳозир эса ўшанда ҳайвоний ҳирсдан титраб-пишқирган палидлар — район қурилиш бирлашмаси экскаваторчиси А., 379-махсус механизациялашган кўчма колонна ҳайдовчиси К., Тошкент олий билимгоҳи толиби Ж. лар муқаррар жазо ваҳимасидан юраклари пўкиллаб ўтиришибди.

ОЛОВГА АЙЛАНГАН АЁЛ

Комсомол районида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Ёролова ўзининг устидан солярка куйиб, ўт қўйиб юборди. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

МАРҲУМ КИМУ ҚОТИЛ КИМ?

Милиция ходимлари Чимкент вилоятининг Сариогоч райони ҳудудида кўмиб ташланган жасад шахсини аниқлашди. У Чирчиқ шаҳрида яшаб келган А. А. экан.

Гумондор тариқасида қўлга олинган сариогочлик Г. К. эса айбни бўйнига олди.

МИЛТИҚ НИМА УЧУН?

Қўқон темир йўл бекатида хизмат қилувчи милиция ходимлари 34-“Москва-Андижон” поездининг 15-вагонига пахтаободлик С. М. ни ушлашди. У 20 калибмли қирқма милтиқ билан қуролланган экан.

Т. МУРОДОВ.

Бунни қандай тушунмоқ керак?

Жиззах насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси дирекцияси ва Ховост райони ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими ташаббуси билан 1991 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шу ташкилот объектларида милиция кўриқчилиги ташкиллаштирилган эди. Бунгача бўлган қоровуллар ишнинг бир маромда кетишини, қимматбаҳо асбоб-анжомларнинг бекаму кўст сақлашини тўлиқ таъминлай олишмаганлари учун шу чора қўлланилган ва ҳозиргача ҳаммаси қутилганидек бир маромда кетмоқда эди. Муаммо маошнинг оширилишидан сўнг келиб чиқди.

Сув хўжалиги вазирлиги Жиззах насос станцияларидан фойдаланиш бошқармасининг эски ҳисоб бўйича миллирд сўмдан ортиқ асбоб-анжомларини кўриқлаб турган 19

милиционеримизни маблаг билан тўлиқ таъминлашдан бўйин товламоқда. Гап шундаки, вазирлик ходимларнинг хизмат сафари, қурол ва сугурта билан боғлиқ харажатларини ўз зиммасига олишни хоҳламапти. Насос станцияларини эса милиция кўриқчиларисиз қолдириб бўлмайди. Гап бу иншоотларда миллиард сўмлаб халқ мулки сақланаётганида ҳам эмас, балки сув ҳаёт манбаи эканлигида.

Тармоқ вазирлиги арзимаган пулни тўлашни хоҳламай турган бир пайтда йигитларимиз белгиланган объектларда ўз хизматларини давом эттирмоқдалар. Ахир бу насос станцияларидан ярим миллион гектардаги экинлар сув ичади. Шунча майдондаги ўсимлик ва жонзотлар ҳаётини ҳам ўйлаш

керак-ку, ахир. Бу эса бизнинг бир-биримиз билан қанчалик тез тил топишишимизга боғлиқ.

Яна шунга айтиб ўтиш керак, бошқарма раҳбарияти билан бу масалада келишиб олганмиз, фақат хўжаликлар тўлаётган пул тўғридан-тўғри сув хўжалиги вазирлиги ҳисобига ўтиб кетаётганлиги учун ҳам улар бизга керакли микдордаги пулни тўлаш қурбига эга эмас. Бир сўз билан айтганда, улар вазирликнинг қўлига қараб қолган. Одамлар соғлиги, табиат софлигини шубҳага қўйиб, пул тежамоқчи бўлаётган юқори ташкилотни эса тушуниш жуда қийин.

Абдутолиб Назаров,
Сирдарё вилояти ИИБ
хузуридаги кўриқлаш бўлими
бошлиғи, милиция майори.

Ўзбекистон милициясининг 75 йиллигига

Тилла АБДУЛЛАЕВ:

“ЭСЛАБ ТУРИШСА БЎЛГАНИ”



(Боши 1-бетда).

Учинчи эсда қоларли воқеа бу — дадамлар билан Германиядаги учрашувимиз. Польшада эдим. Бир куни дадамлардан хат олдим. Германиянинг, ҳозир эсимда йўқ, қайсидир бир шаҳрида эканлар. Шу заҳоти рухсат олдим 700 километрлик масофа ҳам кўзимга кўринмасдан, дийдорлашувга шопилдим. Шукри, дадамлар соғ-омон, бугун-эрта юртга қайтиш тараддуида эканлар. Кўнглим анча хотижама тортиб, Польшага қайтдим, сўнг Украинада бендерларга қарши курашишга тўғри келди. У пайтда унвоним катта лейтенант эди, саккиз ой қолиб кетдим. Кейин ўз юртимга — Туркистон ҳарбий округига хизматга юборишларини сўрадим. Илтимосимни қондиришди.

— Милицияга қачон ўтгансиз?

— Ташкентда яшайдиган бир рус дўстим билан урушда бирга бўлгандик. Уни қидириб топдим. Ва у мени ички ишлар вазирлигига ўтишимни маслаҳат берди. Рози бўлдим.

Фарғона райони милиция бўлимига юборишди. Ушанда 1946 йилнинг июли эди. 1948 йилнинг май ойида район милиция бўлимининг бошлиғи лавозимига кўтарилдим. 1950 йилдан то 1954 йилгача шаҳар милиция бўлимида ишладим. Уша лавозимда. Ниҳоятда оғир шароит юзага келганди у пайтларда. Жиноятчилик, бошбошдоклик авж пардасига чиққан давлар эди., Аммо вазиятни барқарорлаштиришга эришганмиз. Шунинг учун бўлса керак, 1954 йилнинг баҳорида мени Сурхондарё вилоятига милиция бошқармаси (ички ишлар бошқармаси) бошлиғи этиб тайинладилар. У ерда ропша-роса ўн йил ишладим. Кейин полковник унвони билан Самарқанд вилояти милиция бошқармасига ўтказишди. Вилоятдаги хизмат фаолиятимизни “Постда” — “На посту” газеталарида мунтазам ёритиб боришган. Чунки Самарқандда ишмизни жуда яхши йўлга қўйган эдик.

— Бу сурат ва газеталар ўчмас хотирот, албатта. Тез-тез кўздан кечириб турсангиз керак?

— Албатта. Буларнинг ҳаммаси болаларимга, нева-

раларимга мендан қоладиган эсдаликлар. Бир кун келиб: “Бизнинг шундай дадамиз ёки бобомиз бўлган”, деб эслаб туришса бўлгани.

— Дарвоқе, онлангиз ҳақида сўраш эсимдан чиқаёзиди. Мухбирлар берадиган аънавий саволлардан бирида бу.

— Учта фарзандим бор. Ўғлим — Юра ҳозир милиция майори унвонда. Ташкент вилоятида хизмат қилади.

Ажабланманг, турмуш ўртоғим рус миллатига мансуб. Аммо ўзбек тилини жуда яхши билади. Икки қизим бор. Иккови ҳам врач. Бири Самарқандда, бири Ташкентда.

Куёвларимнинг ҳам хулқ-атворлари яхши.

Аёлим билан турмуш қурганимизга, мана, 46 йил бўлибди. Нолеш йўқ.

— Тилла Абдуллаевич, худо хоҳласа, октябрь ойида 70 ёшга тулар экансиз. Муборак кунингиз билан шайхонимиз ўзим номимдан, муҳарриратимиз жамоаси номидан чин дилдан табриклайман. Ётмишини берган ҳудудим юзини ҳам, ундан ортинги ҳам раво кўрсин сизга.

— Раҳмат.

— Октябр ойида сиз қўшалоқ айёмни кутиб оласиз. Бири, юқорида айтганимдек, юбилей ёшнингиз, иккинчиси, милиция ташкил топган кунинг 75 йиллик кунин. Шу муносабат билан ҳозирда ички ишлар идораларида хизмат қилаётган фидойи инсонларга билдирадиган тилакларингиз бўлса керак?

— Албатта. Энг аввало, мен ўз ҳаётимни ички ишларга бахшида этганимдан хурсандман. Нафақага чиққач ҳам тинч ўтиргим келмади. Ички ишлар вазирлигининг “Ўзбекистон” дам олиш уйида беш йил ишлаб бердим. Демокриманки, инсон бир соҳанинг этагини тутдими, охиригача чидаб бериши керак.

унутмаган ҳолда. Ишнинг унуми моддий манфаатдорликка ҳам боғлиқда.

Шахсий ҳаётларида ҳам ривож тилайман. Фарзандлари бахтига омон бўлишсин.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур, Тилла Абдуллаевич.

Суҳбатдош Эркин САТТОРОВ.



Шундагина кечирган ҳаётининг мазмунини бўлади.

Милицияда ишлаётганларга тилагим, одил бўлинг. Халқнинг ҳақи ёмон. Сиздан нажот сўраб келганларга жонингизни фидо қилинг. Шунда олқиш оласиз.

Раҳбарларга маслаҳатим, ҳодимларни тез-тез моддий рағбатлантириб туриш керак. Албатта маънавий томонини

СУРАТЛАРДА: истеъфодаги милиция генерал-майори Т. Абдуллаев; эсдалик суратлардан бири.

“СМЕРШ” (смерть шпионам) — Улуг Ватан уруши йилларида фаолият кўрсатган, ҳарбий қисмлар ҳамда қочиб ўтган ҳарбий асирларни тафтиш қилиш билан шуғулланган ташкилот.

МИЛИЦИЯ УЧУН ТУҒИЛГАН

Ҳазратнинг милиционер бўлиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Гузор районидаги Эски бог қишлоғида колхозчи оиласида катта бўлди. Мактабни тутатган, дастлаб кутубхона мудирини бўлиб ишлади, сўнгга район ҳисоблаш бўлимида хизмат қилди. Гузор район комсомол кўмитасидаги икки йиллик фаолиятида катта тажриба орттирди. Узининг иқтидорини, қобилиятини намойиш этди. Бу эса ўз самарасини берди. Ўз ишига талабчан бу йигитни 1965 йилда ички ишлар хизматига тақилф этишди. Шу-шу унинг ҳаёти эл оёйишталарини сақловчилар билан боғланиб қолди.

Ҳазрат ака милиция ишининг осон ҳамда қийин томонларига тезда кўникиди. У ўз устида мунтазам шуғулланди. Натижада хизмат пиллаполярларидан тез кўтарилди. 1966 йили Гузор райони ички ишлар бўлимида жиноят-қидирув инспектори, кейинчалик Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими бош инспектори, Қарши райони ИИБ БХСС бўлимида бошлиғи ва бошқа лавозимларда ишлади. У ишбилармонлиги, ташкилотчилиги, маҳнатсеварлиги билан обрў-эътибор топди. Кўплаб жиноятларни фож килишда бевосита ҳисса қўлди.

Х. Бахриев ишдан ажралмаган ҳолда ўз билимини ошира борди. 1978 йил Ташкентдаги олий милиция мактабни тутатди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ўз ишига талабчан бу йигитнинг меҳнатини қадрлади, 1979 йилда “Милиция аълочили” кўрак нишони билан тақдирланди. 1980 йилда эса Нишон райони ички ишлар бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди.

У ана шу лавозимда ҳам тўрт йил сидқидилдан меҳнат қилди. Районда жиноятчилик анча камайиб кетди. Содир бўлган ҳар қандай воқеалар чуқур текширилиб, охирига етказилди.

Бирок, 1984 йил 21 августдаги воқеа Ҳазрат аканинг эсидан чиқмайди. Шу кунни Қарши магистрал кўпригида фалокат содир бўлди. Қарши шаҳридаги 16-автокўрхонага қарашли “ЛАЗ-695” белгилли автобус кўприкдан каналга кулаб кетди. Нишон—Қарши маршрути бўйлаб бораётган бу автобусда 59 нафар йўловчи бор эди. Тез кўрилган чора-тадбирларга қарамадан ана шу фожиа оқибатида 39 киши ҳалок бўлди.

Х. Бахриев раҳбарлигида Нишон райони ички ишлар бўлими

ҳодимлари сувда гарқ бўлган одамларни қутқариш ишида фаол иштирок этишди. Аммо ноҳус, хабар тезда Ташкентдан Москвага етди. Оқибатда Ҳазрат Бахриев айбсиз айбдор бўлиб қолди. Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг 1984 йил 28 августдаги 218-буйруғи билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминламаганлиги учун вазифасидан озод қилинди.

Ана шундан кейин Ҳазрат ака



учун азобли йиллар бошланди. Инсоф билан қараганда, у айбдор эмас эди. Эл-юртга шунча қилган хизматлари кимларнингдир эҳтиётсизлиги оқибатида бир пул бўлиб қолаверадими? Эл оёйишталари йўлида ўз жонини тиккан фидойи инсон, қанчадан-қанча жиноятларни очиб, адолатсизликларга маълум маънода барҳам берган Ҳазрат энди ўзини оқлаши керак эди.

Адолатни тиклашнинг ўзи бўлмайди. Очигини айтганда, фожиа содир бўлган жой Нишон райони ҳудудига кирмас эди. Магистрал канал устидаги катта кўприк Қарши районига қарашли эканлигини вилоятдаги эътиборли ташкилотлар тасдиқлаб бердилар. Бирок оддийгина ана шу ҳақиқатни тиклаш учун у хатто собиқ Иттифок ички ишлар вазирлигига ариза ёзишга мажбур бўлди. Собиқ СССР калк ноиб Т. Бурунова ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб А. Раҳимовлар ана шу иш юзасидан Ўзбекистоннинг собиқ ички ишлар вазирини, истеъфодаги ички хизмат

генерал-майори У. Раҳимовга илтимоснома билан кирди. Буни яхши биладиган дўстлари ҳам доимо ерданга шай бўлдилар. Жумладан подполковник Т. Одилов, ҳамда милиция майорлари Р. Раҳимов, Т. Қорақулов, Ш. Қорақулов, Х. Йўлдошев ва бошқалар юқори ташкилотларга Ҳазрат Бахриев ҳақида ўзларининг ижобий фикрларини маълум қилишди.

Ҳаётда адолат бор экан, у албатта бўй кўрсатади. Худди шундай бўлди. Милиция майори Ҳазрат Бахриев автохалокатда айбдор эмаслиги исботланди, ўзининг сеvimли ишига яна қайтадан тикланди.

ЧЕЛАҚДАГИ АМПУЛА ШИШАСИ

Ҳазрат жуда хурсанд эди. Ахир кўп йиллар азоб-уқубатлар, ғам-андуҳлардан жуда қийналди. Унинг пок эканлиги исботланиб, яна ички ишларда ишлашга рухсат этилди. Тез орада уни вилоят ички ишлар бошқармаси шахсга қарши содир этиладиган жиноятлар бўйича бош инспектори этиб тайинланди.

— Биринчи кунданок жиддий топириқ бор. — деди бошқарма бошлиғи уни хузурига чорлаб. — Ҳозиргина Гузордан телефон қилишди. Дорихонада ўғирлик содир этилган. Сиз районни яхши биласиз. Милиция майори Азиз Раҳматуллаев билан бирга ана шу иш билан шуғуллансангиз.

— Баҳаришга рухсат беринг. Милиция ишида эҳтиёткорлик, ақл-заковат, ўта зийраклик зарур. Ҳазратда бу хислатларнинг барчаси мужассам.

Улар воқеа содир бўлган жойга ўша кунлик этиб боришди. Ўғирлар деразадан киришган экан. Сўнгга эшик бузилган. Катта микдорда дориларни ўмариб кетишди.

“Бу оддий ўғирларнинг иши эмас, — ўйлади Ҳазрат. — Демак тажрибали ўғирлар ҳам районда пайдо бўлибди. Ёки янги тўда чиқибдими? Балки бошқа ердан келиб...”

Охири фикр миясига бирдан ўрнашди-қолди. Чунки у Халқобод давлат жамоа хўжалигида катта гишт заводи қуриляпти деб эшитган эди. Бу қурилишда хатто узок ўлкалардан келганлар борлигини биларди.

Оператив гуруҳ аъзолари тезда бир қарорга келишди. Балки калавнинг учини ўша ердан топармиз, деб қурувчилар хузурига йўл олишди. Қурилиш устаси милиция ҳодимларини ётоқхоналарга

бошлаб борди. Яшаш шароитини кўрсатди.

Ўйланган режа қутилмаганда рўёбга чиқди. Разм солиб юриб ётоқхонадаги челақларда ампула шиша синиклари етганини кўриб қолишди... Тез орада дорихона ўғирлари тутиб берилди...

ЮЗ МИНГ СЎМЛИК БОШ

Китоб райони ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Х. Бахриев ўз ишини севади. Шу ҳаётга ўрганиб, кўникиб қолган. Ахир оз эмас, қарийб 30 йиллик фаолиятини шу ишга бағишляпти. Лекин оиласини соғинади. Болаларига талпинади. Ишнинг кўпчилигидан эса ҳафтада бир мартагина уйга бориб келади, холос. Ахир Китоб шаҳридан қарийб 100 чакрим наридаги Гузорга бориб келиш кўп вақт олади-да.

Бугун шанба кунини эмасми, уйга боришни кўнглига тутди. Тугалланмаган ишларини бажариш учун айрим хужжатларни кўриб, тушгача кабинетда қолди. Унинг иш маромини кундуз соат II. 30 лар қамаси телефон жиринглаши бузди. Навбатчи шоша-пиша:

— Алло, ўртоқ бошлиқ, ҳозиргина кўнгирик қилишди. Район матлубот жамиятининг раисини пичоқлаб кетишди...

Бундай ҳолатларни у кўп бошидан кечирган. Лекин бари бир қалби титради. Нахотки, биронинг қонини тўкиш кимгадир керак бўлди? Инсон қадр-қиммати шунчалар пастми? Чумқуни сўйишга юрагинг довлмайди тилирилашини кўриб. Ахир у инсон-ку!

Милиция подполковниги Х. Бахриев қисқа-қисқа “дуд-дуд”лаб қолган телефон трубкасини қўйиб, ташқарига отилди.

...Тўқлиқка шўхлик деб шунини айтсалар керак-да. Ўлфатлар ичишиб, кайфлари тарақ бўлгач, дўст-душманлари ҳақида гапира бошлашди. Сўз айланиб келиб Раҳмат Жўраевга тақалди.

— Нега у раис бўлади? — деди давра бошлиғи. — Қачонгача унинг айтганини қилиб юриш керак.

— Уни йўқотсан-чи? — деди шериги.

— Бунинг йўлини мен қиламан, — деди И. исмли йигит. — Бунинг учун пул даркор. Катта сумма. Керакли одамларни топаман.

— Юз минг сўмни топамиз, — дейишди ҳамтовоқлар биргаликда.

Шу кунни улар режа тузиб, абахлашча тил бириктиридилар.

Эртасига келишувга биноан И. Тожикистоннинг Регар районига йўл олди. Қодир деган таниш орқали бир каллақесар билан танишди. Гўе мол савдолашгандек тирик одам

каласини олишни 100 минг сўмга баҳолашди.

Режани анча пухта ишлашди. Қонхўрлар икки киши эди. Улар Китоб шаҳрига бир неча марта келишди. Сўнгги бор келганларида бозорларни айланишди, матлубот жамияти уюшмасида бўлишди. Кечқурунлари эса уюшма раиси Раҳмат Жўраевнинг уйига бир неча марта бориб кузатдилар. Лекин ўлдиринишга қулай фурсат топишолмади.

Январь ойининг шанба кунларидан бири. Эрталаб қор ёққан. Борлиқ ниҳоятда гўзал. Матлубот жамияти уюшмасига ҳам келадиган одамлар жуда сийрак. Соат II ларга бориб ҳеч ким қолмади. Раҳмат ака ташқарига чиқди. Қишнинг ечимли хавосидан тўйиб нафас олди. Бугун қиладиган режалари ҳаёлидан ўтди.

Инсон еруғликка талпинади. Кўршапалак эса қоронгуликка. Ҳаётдаги қиладиган иши ифлослик, абахлалик бўлган одамлар ҳам кўршапалакнинг ўзи. Улар бурчақларда, паналарда одамлардан бекиниб юришади ва қора ниятларини амалга оширишади.

Раҳмат ака ҳаётининг охири кунини эканини билмаган эди. Кетма-кет ўткир тиглар санчилиб, оппоқ қор устига қони тўкилаётганида ҳам ҳаётдан умидини узмади. О, ҳаёт, нақадар ширин...

Район ички ишлар бўлимининг оператив бўлими тезда воқеа содир бўлган жойга этиб келди. Ноҳус хабарини олган заҳоти барча постларни оғохлантиришди. Ҳар бир жиноятчи ўз қилиминини яширишга уринади. Лекин бу сафар она табиат синчков изқуварларга ердан қилди. Заминни қоплаган оппоқ қор жиноятчиларни узоққа кетолмаганлигидан оғох қиладигандай эди... Из тўғри район марказий шифохонасининг ертўласи томон бошлаб борди. Милиция капитани Даверов ўз ҳаётини хавф остига қолдириб бўлсада, ертўлага кирди. Тўпонадан узилган ўқдан жиноятчилардан бири яраланди. Иккинчиси эса таслим бўлишдан бошқа чора тополмади.

Милиция подполковниги Х. Бахриев бошлиқ оператив гуруҳ вакиллари текширувни давом эттиридилар. Қўлга тушганлар шахси, иши билан қизиқдилар. Аста-секин калавнинг учи топилиди... Бугунги кунда эса 6 киши қора курсида ўтирибди.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, Китоб район “Ғалаба” рўзномаси масъул котиби, Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Бизнинг музоҳаба

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Танишинг. суҳбатдошларимиздан бири — Фарход Туронов, 1968 йилда туғилган, конвой-милиционер, иккинчиси Рашидхон Топтемиров, 1965 йилда туғилган, йўл назорати ходими. — 31 август кун эди, — деб эслайди Фарход, — барча фуқароларда байрам кайфияти. Ахир республикада бир йилги нишонланган кунларни озмунча орқиб кутганмидик!

Навоҳор қишлоғи чорраҳасида хизматни ўтаётганим. Ногоҳон катта бозор сумкасини кўтариб олган икки кишига кўзим тушди. Юриштирилари шубҳа уйғотди.

Яқинлашиб бориб салом бердим ва ҳужжатларини сўрадим. Аммо улар худди келишиб олгандек сумкани ташлаб, икки томонга ура қочишди.

Мен чап томонга қараб кетаётганини таъкиб эта бошладим. Анча-мунча югуриб, «Тўхта!» — деб бақирдим. Талабимни инобатга олавермагач, осмонга огоҳлантирувчи ўқ отдим.

Яна бир оз қочгач, секинлашди. Чарчаб қолди ҳойнаҳой, деб ўйладим.

Йўқ, у ҳали чарчамаган экан. Яқинлашиб билиб қаратди уларни қўлаб, бир айландию қурол тутган қўлимга тепди. Аммо тўпчанчамак маҳкам ушлаб олгандим. Нияти амалга ошмагач, одамни ҳушсизлантирувчи газ баллончасини менга тўрилаб, сепишга чоғланди.

Бу ҳолат назаримда кўз очиб юмгунча бўлган вақт орасида содир этилди. Хиёл кечиксам, у мени қарахт қилиб қўйиш ва қуролимни олиб, қочиб қолиши аниқлигини аниқладим. Фурсатни бой бермай тўпчанчамак газ баллонни ушлаган қўлига ўқ уздим.

— Ушанда соат тахминан 16.30 лар эди, — деб хотирлайди Рашидхон.

Ўқ овозини эшитдим Фарходжонга ерданга шопилдим. Рус миллатига мансуб йигит қўлга олинган. Аммо қорейц йигит темир йўл бекатига қараб қочган. Жонжаҳдими билан югуриб, етиб олишга ҳаракат қилдик. Вазият жиддий эди. Унинг ашаддий қонунабузар эканлиги, аниқ. Қўлдан чиқариб юборсак, ҳаммаси бир пул бўлади.

Йўқ, ҳаракатларимиз зое кетмади. Ҳамрообод қишлоғида етиб олдик. У қаршидаги девордан ошиб ўтишга чоғланди, аммо барибир тутиб қолишимизни тушунди чоғи, шахд

билан ортга ўгрилди. Унинг қўлида ҳам боятидаги каби газ баллончаси кўринди. Аммо ишлатишга улгурмади.

— Кейинчалик рақибларингиз билан танишиб олган бўлсаларингиз керак?

— Ҳа, албатта. Улар Гулистон шаҳридан келган бўлиб, бири Игор Моргунов, аввал судланган, айна пайтда ҳеч қандай ишламайдиган, 1964 йилда туғилган шахс экан.

Иккинчиси эса Иля Хен, у ҳам бир неча марта озоликдан маҳрум этилган, шундай бўлса ҳам бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмай, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимса бўлиб қолди.

— Фурқат районига келишларидан мақсад нима экан?

— Ҳар ҳолда юртдошларимизни мустақиллик кунини табриклаш эмас. ИИБда текшириб қўрилганда, сумкаларидан бир неча килограмм кўкнор, вазелин қутисига жойланган кўкнор шираси, оғуни қон томирига юборишда ишлатиладиган шприц, пичоқ ва яна бошқа нарсалар чиқди.

Томчида қуёш акс этади, дейишди. Чиндан ҳам ана шу икки милиционер жасоратидан маъкур ИИБда интизом ва бурч масъулияти қўчилигини сезиб олиш қийин эмас. Қолаверса, бундан олдин ҳам уларнинг айрим муваффақиятлари ҳақида «Постда» саҳифаларида бир неча бор ёзганмиз.

Ўндасини айтганда, ИИБнинг ҳар кун саргузаштларга бой, дейиш мумкин. Энди эса ана шу осойишталик қўриқчиларининг қай шароитда хизмат қилаётганликлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

— Тўғри эътироф этдингиз, — дея суҳбатга қўшилди ИИБ бошлиғи, милиция майори Абдуҷалил ака Жўраев. — Районимиз нафақат вилоятда, балки республика бўйича ҳам энг янги район ҳисобланади. Ички ишлар бўлими эса атиги январь ойидан бери фаолият кўрсатаяпти.

Ҳа, ички ишлар бўлиминини шакллантириш осон кечмади. Бозор муносабатлари ҳукм сурган паллада ИИБ учун янги, ҳар томонлама қулай бино қуришнинг ўзи бўлмайди. Шароитдан келиб чиққан ҳолда олдин

қишлоқ кенгаши қўним топган бинони аксарият ҳолларда ўз кучлари билан таъмирлаб, мослаштириб олишга мажбур бўлишди. Хаттоки милиционерларнинг ўзлари белкурак билан бетон қораётганларига кўп марта лаб гувоҳ бўлганман. Худди шунингдек, жамоани шакллантириш, кадрларни жой-жойига қўйиб, штатларни тўлдириш ҳам осон кечгани йўқ.

Район меҳнаткашлари орасида гоҳ билиб, гоҳ билмай қонунабузарликка қўл урадиганлар кўплаб топилади. Май ойида бошланган «Қорадори-92» мавсуми бунга яққол мисол бўлади. Милиция ходимлари 268 та хонадонда ғайриқонуний равишда кўкнор ўсимлиги парваришланаётганлигини аниқладилар. Шундай ишга қўл урганларнинг кўпчилиги нисбатан халқ суди томонидан тегишли чора қўрилди, айримлари устидан эса тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Аммо бу, билан гиёҳвандликка қашатқич зарба берилди, деб бўлмайди. Ҳали ҳам қаерлардадир, кимлардир таъқиқланган наркотик ўсимликлар ўстиришяпти.

Худди мана шу ерда ички ишлар бўлими фаолиятидаги ўткир ва ечимини кечиктириб бўлмайдиган муаммо кўзга яққол ташланади. Атиги 40 нафар милиция ходими билан қолган кўкнорфурушларни аниқлаш керакми ёки районнинг 78 минг кишидан иборат аҳолиси осойишталигини таъминлаш керакми?

Ваҳоланки, қўшни Ўзбекистон ва Бешарик районлари ички ишлар бўлимида тахминан 130 нафардан ходимлар хизмат қилишмоқда. Аҳоли сони еки район ҳудуди катталиги эса ўша-ўша.

— Шу йилнинг ўзида районимизда уч марта қотиллик, тўрт марта номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилди, — дейди Абдуҷалил ака. — Фуқароларнинг мол-қўйларини ўғирлаб кетиш ҳоллари эса янада кўп учрайди. Аввало ана шундай воқеаларнинг олдини олиш, иложи бўлмаганда содир этилган жиноятларни иссиғида очиб учун шахсий тарқибимиз сонини оширишимиз керак. Бу борада бошқарма раҳбариятига кўп



марталаб таклиф билан чиққанмиз. Дастлаб бизда 37 киши бор эди, ҳозир эса 40 киши. Қўрилиб турибдики, илтимосларимиз секин-асталик билан бўлсада, қондириляпти.

Бизнинг фикримиз қуйидагича: ички ишлар бўлимидаги ходимлар сонини қўпайтиришда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Келинг, фикримизнинг исботи сифатида саккиз ойлик иш якунларини сарҳисоб қилиб кўрайлик.

Шу йил январь ойидан бери 295 та жиноят рўйхатга олинган. Шулардан 266 таси қидирув йўналиши бўйича. 233 таси мутлақо яширин равишда амалга оширилган, ҳеч ким гувоҳ бўлмаган, ҳеч ким кўрмаган билмаган. Ваҳоланки, ИИБ жиноят-қидирув хизматида яққо-яғона ходим бор. Фақатгина милиция катта лейтенанти Охунжон Жўраевнинг ўзи қай бирига раҳбарлик қилишга улгурсин? Агар жиноят-қидирув гуруҳи оператив вакиллари сони камида уч кишига етказилсагина, ахвол бир оз ўнгланади.

Қолаверса, эксперт-криминалистика бўйича ҳам битта штат ажратилиши низоҳатда зарур. Вилоят марказига бўлган масофа 100 километр. Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимидаги мутахассислардан эса умид қилмаса ҳам бўлади. Ўзларининг ишлари бошдан ошиб етибди.

Тўғри, шу пайтгача содир этилган жиноятларни фаш этиш кўрсаткичи

92 фоиз. Аммо бу имкониятлар кенглигидан эмас, балки турли хизматлардаги ходимларнинг бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишларидан дарак беради.

— Аслида муаммоларимиз кўп, — дейди Абдуҷалил ака суҳбатимиз сўнггида. — Транспорт, махсус асбоб-анжомлар билан таъминланиш борасида мақтанолмаймиз. На илож, ҳадеб йиғлаган билан фойда йўқ. Аммо бўлимидаги ҳузурида қўриқлаш хизматини ташкил этиш низоҳатда зарур. Районимизда бешта давлат ва жамоа хўжалиги, 15 дан ортиқ ийрик, 120 дан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Уларнинг мол-мулкни муҳофаза этиш вазифаси кўпинча қўлимизни боғлаб қўяпти.

Агар бошқармадаги ҳамда вазирликдаги раҳбарларимиз ана шу муаммоларимизни ечишда ташаббус кўрсатсалар, биз ҳам ўз навбатида райондаги оператив вазият барқарорлигини кафолатлаган бўлардик.

Раҳмон АЛИ. Фарғона вилояти.

Суратда: (чапда) ДАН ходими, милиция старшинаси Р. Топтемиров ва район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори А. Жўраевлар қонунабузарлардан тортиб олинган ашёвий далилларни кўздан кечирмоқдалар.

Сурат муаллифи Анвар ҲАКИМОВ.

ЖИНОЯТ-ҚИДИРУВ: КЎРСАТКИЧЛАР ЁМОН ЭМАС

Жиноят-қидирув бўлимидаги ходимларининг хизматлари нақадар сермашаққат эканлиги кўпчиликка маълум. Милициядаги масъулиятнинг асосий оғирлиги шулар зиммасидадир. Кейинги пайтларда Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг шу соҳа ходимлари хизматда бирмунча илҳомий натижаларга эришдилар. Шу муносабат билан вилоят ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, милиция майори Қаландар Худойбергенов билан суҳбатлашдик.

— Қаландар ака, ҳозирда вилоят ҳудудида жиноят содир этиш, уларнинг очилиш даражаси қай аҳволда?

— Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида ҳаммаси бўлиб вилоятимизда 1153 та жиноят содир этилган. Уларни фаш этиш ҳозирча жуда юқори даражада бўлмасада, чакки эмас. Ўша қонунабузарликларнинг 71 фоизи очилди. Жами 294 марта ўғрилиқ юз берган эди. Шундан олтинчи фоизининг тағига етдик.

Шу ўринда бир мисол келтирай, яқинда Урганч шаҳридаги «Шахристон» тижорат дўконининг деворини номаълум шахслар тешиб, 17220 сўмлик пул ва молларни ўғирлаб кетишган. Шаҳар ИИБ ва вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув ходимлари ҳамкорликда ҳаракат қилишиб, тезда ҳаромхўр ўғрилари қўлга олишди.

— Ҳамма жойда ҳам ишнинг бир зайдда кетиши, албатта, қийин иш. Жиноят-қидирув соҳасида ҳам шундай. Ҳозирда вилоят ҳудудидаги

бўлимлардан қай бири билан бу соҳада юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

— Бу борада Шовот ва Янгиариқ районлари ички ишлар бўлимида жиноят-қидирув ходимлари анча илгарилар кетишган. Улар жиноятчилик билан курашишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўтган давр мобайнида Янгиариқ районига содир этилган қонунабузарликларнинг 90, Шовотдагиларнинг эса 94 фоизи очиб ташланди. Бу шу соҳа ходимларининг ўз ишларини тўғри ва яхши йўлга қўйганликлари сабаблидир.

— Вилоят миқёсида кўзга кўринган, кўпчиликка ўрнатилган ҳодимлар борми, бўлса уларни газетхонларга таништириб ўта оласизми?

— Бор, албатта. Бундайлар кўпчиликини ташкил қилади ва ҳар бирини номма-ном айтиб ўтишнинг иложи йўқ. Лекин мен шуларнинг ичидан Шовот райони ИИБ жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция подполковниги Карим ака Абдуллаевни алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб ўйлайман. У киши бу соҳада кўп йиллик тажрибага эга, маҳоратли ходимлардандир. Яқинда содир этилган ўғрилиқни бир кун ичида очиб, жиноятчиларни қўлга туширди. Ўғриллар 50 минг сўм пулни ўмаришган эди. Карим аканинг бу ва бошқа хизматларини ҳисобга олиб, вилоят ИИБ раҳбарлари пул мукофоти билан тақдирладилар.

Суҳбатдош Саъдулла БОБО.

Иқтисодий қийинчиликлару жамият тизимидаги ўзгаришлар боис ҳайратомуз жиноятлар юз бераётгани, ўз вақтида фаш этиш осон кечмаётгани рости. Бироқ одамлар жиноятни очиндан кўра қўрқувданми, эҳтиёткорликданми билмадим, кўрмадим қабилда иш тутиниётгани ҳам сир эмас. Аксарият аҳоли эса ҳуқуқ маҳкамаларининг ҳалоллигига тўғри ишлатишга ишонмай қўйган. Нима қилиш керак? Мана шундай қалтис вазиятда Шайхонтохур райони прокурори Эркин ака Йўлдошев аҳоли билан ақидан тиллашишнинг ўзига хос усулини қўлашга қарор қилди. У маҳаллий кабелли ойнан жаҳон орқали чорак соатлик чиқиш қилиб, райондаги жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб беради.

Эркин ака билан суҳбатимиз ҳам шу мавзудан бошланди.

— ...Очиги, кўпчилик учун, бирор кино кўриш умидида ўтиргани боис, прокурорнинг сўзга чиқиши қутилмаган ҳол бўлди. Лекин район аҳолисининг асосий қисми 17 ёшга тўлмаган ўсмирлар эканлигини, шу йилнинг биринчи ярмида 743 та турли хил жиноятлар қайд этилгани-ю қонунабузарлар сафида болаларнинг қўлигини эhtiбoрга олсангиз, биз бекорга қуюнмаганимизга амин бўласиз.

— Эркин ака, ҳозирда райондаги жиноятчилик аҳволи қай даражада?

— Сўнгги пайтларда фуқароларнинг уйларига кириб, шахсий мулкни ўғирлаш, автоуловларни ҳайдаб қочиш каби жиноятлар камайгани йўқ. Жумладан шахсий мулкни ўғирлаш 118 марта содир этилган ва фақат 25 таси, уловларни ҳайдаб қочиш билан боғлиқ 25 та жиноятдан эса 6 таси очилган, холос.

Тўғри, бу камчилик учун аввало райондаги ҳуқуқий маҳкамалар айбдор ва улар жавоб бериши керак. Аммо бутун айбни улар зиммасига юклаш инсофдан бўлармикин?

Кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олаётган одамлар, ўз сўзидан қайтаётган гувоҳлар, бу иши билан жиноятчининг ҳимоя қилаётганини, янги ўғирлигу

БИЗГА ҲАМ ОСОН ТУТМАНГ

қотилликларга рағбат бераётганини сезишармикин? Минг афсуски, бундай кимсалар жуда кўп. Афтидан улар эртасига ўз бошига ҳам қўннисининг қуни тушиши мумкинлигини тушунмаяпти. Ҳамма бало шунда. Шу боис ҳам районимизда ҳар икки-уч жиноятнинг бири узоқ муддат очилмай қоляпти.

Биламан, бутун жабрланувчига ҳам, терговчию изкуварларга ҳам осон бўлмай қолди. Лекин жиноятчи-чи? У бемалол наша чекапти, ёшларни, айрим тавбасига таяниб озоликка чиққан кишиларни қайтадан йўлдан ўрмоқда. Негадир ўсмирлар ўз ота-онаси, муаллимларию тарбиячиларининг эмас, «полвон» амакисининг гапига кириб кетаяпти.

— Жиноятчиликка, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари фаолиятига бутунгунда кунда одамларнинг муносабати қандай?

— Шу кунгача ишонамга келиб ҳеч ким фалон жойда шу иш бўлди, бунга фалончи айбдор дегани йўқ. Лекин жиноятчилик очилиши чўзилса, ҳаммамиз прокурор ва милицияни айблагани, уларнинг орқасидан бўлмагур гаплар тўқишни яхши биламиз. Одамлар фарзандлари ёки бирор яқини жиноят қилишини қутиб ўтирмасдан уларга тушунтиришса, дастурхон атрофида, иш устидами ўйламай босилган қадам яхшиликка олиб бормаслигини босқилик ила айтишса яхши бўларди.

Биздан ёрдам зарур бўлса, марҳамат, покдомон, холис ният-ли, дунда гапи бор кишилар учун эшигимиз очик.

— Милиция билан ораларингизда муносабат қандай йўлга қўйилган?

— Емон эмас. Яқинда ички ишлар бўлимида район ҳокимининг муовини билан ИИБ фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида

фикрлашдик. Айрим терговчиларнинг айби билан жиний ишларни тугаллаш муддати асоссиз чўзилиб кетаётганини ҳам эслатдик.

Дарвоқе, бу мавзуга алоқаси бўлмасада яна бир гап. Минг афсуски, айрим фуқаролар ўзларининг Ватан олдидаги хизматларини рўкач қилиб, қонуни очикдан-очик менсимай қўйишяпти. Масалан, райондаги Шишкина кўчасида ер талашин сабаблари можаро бўлиб ўтган эди. Ўша жойда Юнусов деган хурматли инсон ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, уй-жой қурган. У киши бир неча марта огоҳлантиришимизни инобатга олмади. Ўзимиз бориб: «Қонуни бузаяпсиз ота, ахир Сиз шундай қилсангиз, қолганлар Сиздан ўрнатилган давлат мулкни хомталаш қилиб юборади-ку» дедик, у киши тушунини истамади. Начора, қонунга биноан ҳуқуқбузарнинг устидан иш қўзғатишга мажбур бўлдик.

Эркин аканинг қонун-бузарлигининг олдини олишда маҳаллий телевидениедан фойдаланиш ҳақидаги гапларини эшитгач, менда бир мулоҳаза туғилди: бошқа район ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам жиноятчиликка қарши курашда шу усулдан фойдалансалар ёмон бўлмас экан. Дарвоқе, ақлия маслаҳатчиси — Эркин ака эса кабелли телевидение орқали ҳар ярим ойда бир марта чиқиш қилишни режалаштиришяпти.

— Чунки, — дейди у ўз фикрини маъқуллаб, — бу экран, унда видеофильмлар, қизикarli кўрсатувлар берилгани учун ҳаммамнинг қўнглига яқин. Уни уйига кабел уланган оила борки кўрди. У ёғини сўрасангиз, бизнинг таклиф кабелли телеэкран раҳбарларига ҳам маъқул тушган.

А. АЛИҚУЛОВ суҳбатлашди.



Хавотирланиш

Солижоннинг турмуш ўртоғи бундан ўн йил бурун вафот этган, у олти нафар фарзандлари билан қолганди. Хўжабод районида қоровул бўлиб ишлаш билан бир қаторда бўш пайтларида шахсий “Жигули”сида киракашлик қилиб, рўзгор тебратарди. Январ ойининг ўрталарида аёз қиса бошлаган кечки соат бешларда йўлга чиқиш учун тайергарлик кўра бошлади. Фарзандлари қайтаришмоқчи бўлган эди, унамади.

— Хавотирланманглар, ҳеч бўлмаса беш-тўрт сўм топиб келаман, — дедию машинасини миниб чиқиб кетди.

Солижон эрталабгача ҳам уйга қайтмади. “Дадамин узокқа кетган бўлса керак”, — деб ўзларига тасалли беришди оила аъзолари. Лекин у эртасига ҳам, индинига ҳам, орадан бир ҳафта ўтиб ҳам қайтмади. Шундан сўнг оила аъзолари, қариндош уруғлари хавотир ола бошлашди. Узоқ-яқин қариндош ва таниш-билишлардан сўраб-суриштирилди. Натижа йўқ. Фарзандлар саросимага тушиб қолишди. Бир одам машинаси билан йўқоладию...

Суриштирув ишлари бошланди. Ҳозирча натижа кўринмаётган эди...

Ҳамма келди, ўғри йўқ

Бу воқеа Солижон йўқолишидан анча бурун бўлганди.

Ҳаммамизга маълумки, кишлоқликлар чорвага катта эътибор беришади. Бу ҳам рўзгорнинг бир четини кўтаради-да.

Шамсиддин ака ҳам шундай, анчадан буён мол боқиб келар, эртами, кечми, вақт топди дегунча жониворларга емиш ташларди. Уша куни ҳам эрта саҳар туриб молхонага жўнади, келиб не кўз билан кўрсинки, икки бош ғунажини жойида йўқ. Дарҳол милицияга хабар қилди.

Кўрилган оператив чоралар натижасида эртаси кунлик моллар топилиб, ўғри тутилди. Жиноий иш кўзгатилиб, тезда судга оширилди ҳам.

Шуниси диққатга еазоворки, ўғри муқаллам бир неча марта судланиб чиққан шахс экан. Одамлар энди яхшилаб жазосини олса керак, деб ўйлашди. Аммо суд жуда чўзилиб кетди. Пайсалга солиниб, ниҳоят, мажлис куни белгиланди. Бу кунни орзиқиб кутган жабранувчию гувоҳлар айтилган вақтда етиб келишди. Фақат ўғри келмади. Кидирув бошланди. У осмонга чиққандек ҳеч қаерда йўқ эди. Уни очикда қолдирган прокурор қаттиқ оғохлантириш олди. Жинфатчига раҳм қилишнинг оқибати шу бўлади-да.

“Сахий”

Владимир 1970 йилда Чимкент шаҳрида туғилган. Уни ҳамюртлари “Вовка” деб қақаришади. Ўзи уларнинг кўп марталаб ҳождатини чиқарган. Бугунги кундаги анқонинг уруғи — енгил машиналарнинг эҳтиёт қисмларини топишда мутахассис. Очик кўнгилчилигини айтмайсизми? Сахий бўлмаса, уйига меҳмонга келган С. Горбинскийга “Жигули”нинг икки дона гилдирагини 50 сўмга сотармиди. Бундан ташқари у ҳамюрти Фазлиддинга яп-янги “Жигули”ни жуда ҳам арзонга сотишини айтди.

— Хужжати борми? — сўради у ҳам.

БИР ЖИНОЯТ ТАҲЛИЛИ

— Арзон машинада хужжат нима қилсин, — деди Вовка ҳозиржавоблик билан.

Фазлиддин шубҳага бориб, машина олмади.

Вовка нечта харидор топмасин, ҳаммаси юқоридаги саволни берар ва ижобий жавоб ололмади айтиб кетишарди. Ниҳоят бу борада омади юришмаган йигит уловни майдалаб сотишга жазм қилди...

Кўриниш бериб, ғойиб бўлди

Шамсиддин аканинг ғунажинини ўғирлаган йигит қочиб кетганидан сўнг унинг сурати барча район ИИБлари тарқатилди.

Уша куни Асака шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Султонбек Давронов ва Авазбек Сулаймоновларга ГЭС худудида осойишталикни таъминлаш топирилган эди. Улар нарядни қабул қилишларидан бурун қидирувдаги барча қочоқлар билан таништирилган эди. Шу жумладан ғунажини ўғрис — Дилмуродни ҳам яхши эслаб қолишганди.

Милиционерлар “Москвич”да кета туриб сартарошхона ёнида таксига ўтираётган Дилмуродни кўриб қолишди. Зудлик билан таксининг ортидан тушишди. Дилмурод ҳам уларни сезиб қолган, шунинг учун ҳам ярим йўлда таксидан тушиб, пана-пастқамдан пиёда қочиб кетди. Милиционерлар ҳам пиёда қувишга тушишди, лекин Дилмурод уларнинг кўзини шамғалат қилиб, аллақандай енгил машинага ўтириб, ғойиб бўлди. Шундай қилиб унга бу сафар ҳам омад кулиб боқди.

Прокуратурада

Хўжабодлик Солижон Зокировнинг бедарак йўқолиши бўйича тергов ҳаракатларини вилоят прокуратурасининг еш ва тажрибали терговчиси С. Тожибоев олиб борадиган бўлди. У ишнинг энг майда икир-чикирларига синчковлик билан текшира бошлади. Ҳеч нараса назаридан четда қолгани йўқ. Вилоятда бўлаётган барча жиноятлардан ҳам эътиборини узмади. Уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб борди ва ўзи олиб бораётган

ишга алоқадор томонларини қидирди. Ниҳоят унинг диққатини Ленин районида содир этилган мол ўғирлиги, ўғрининг қочиши, сўнг Асакада яна пайдо бўлиши ўзига тортиди. Дилмуроднинг ўтмишини синчиклаб ўргана бошлади. У еш бўлишига қарамай (1962 йилда туғилган) 4 марта судланган. Бундай одам ёлғиз ўзи ҳаракат қилиши мумкин эмас.

Изга тушилди ва ҳаммаси фош этилди...

Воқеа бундай бўлганди

Дилмурод суддан қочиб кетгач, Чимкент шаҳридаги 2-Тошкент кўчасида яшовчи қариндошлариникида яшириниб юрганди. У шу ерда ҳам бир жиноий гуруҳ тузмокчи бўлди. Бунинг учун эса аввало ишончли одамларни топиш зарур. Шу мақсадда у Жиззах шаҳрига бориб, дўсти Ёдгорни топиб келди.

Ёдгор Тожикистоннинг Регар районида туғилган. Бир неча бор қамалиб чиққач, Жиззахдан бошпана топганди. Уҳали ҳам Тожикистонга бориб, ҳар хил жиноятлар қилиб келарди. Дилмурод эса бунинг жуда яхши биларди. Хуллас иккаласи Чимкентга келишди ва Вовка билан танишишди. Унинг ҳам ўн беш ёшида қамалиб чиққанини эшитиб, ўзаро тил топишишди.

Кейин сафарга отланишди. Ният холис эмас эди. Тошкентга келиб, бирор енгил машинани елламоқчи бўлишди. Йўлда эгасини бир ёқлик қилишмоқчи эди. Лекин ҳеч ким уларни Андижонга элтиб ташлашга рози бўлмади.

Учовлон ноиллож вокзалга келишди. Поездда кетишмоқчи эди. Пуллари йўқ бўлгани учун чипта олишмади, фақат Ёдгор янги шимини вагон кузатувчисига берди ва Андижонга етиб олишди.

Асака шаҳрига боришгач, Карл Маркс кўчасида яшовчи Азизахонни топишди. У билан баъзи нарсаларни келишиб олгач, видеобарда кунни кеч қилишди. Кейин бир “Жигули”ни ушлаб, Қувага қараб йўл олишди. Уларнинг мақсади йўлда машина эгасини ўлдириб, уловни олиб кетиш эди, лекин ҳайдовчи Мухторжон Дилмуроднинг таниши чиқиб қолди ва унинг илтимоси билан фикрларидан қайтишди.

Мухторжон Қувага олиб бориб қўйганидан сўнг ҳам булардан

қутилмади. Яна ортга қайтгилари келиб қолди.

Асакада тўртовлон (Азиза ҳам улар билан бирга эди) роса машина тўхтатишга уриниб кўришди. Лекин сира иложини қилишолмади. Омадлари юришмаётган эди. Яна балога қолган шўрпешона Мухторжоннинг олдига боришди.

— Энди бизни Андижон вокзалига элтиб қўй, — дейишди.

У йўқ деа олмасди. Ахир улар олиб қўйишлари мумкин бўлган жонини совға қилишдию...

Худди ўша куни хўжабодлик Солижон ака шохбекат ёнида йўловчи кутиб ўтирганди. Соат 22 лар эди. Куръа унинг чекига тушганини қаранг. Умуман барибир кимдир қурбон бўлиши аниқ эди.

— Бўшмисиз, ака?

— Хизмат?

— Тўртталамизни Бўзга олиб бориб қўйсангиз.

Савдо битиб, йўлга тушишди. Олтинқўл райони, Навоий номи хўжалик худудида кетишганди, аввал келишиб олганларига биноан, Азиза нағмасини бошлади.

— Ака, кўнглим айниятпи, шу ерда тўхтатиб юборасизми...

Машина тўхтади. Азиза пастга тушган эди ҳамки, тунги сукунатни ўқ овози бузди. Ўқни орқа ўриндиқда ўтириб келаётган Владимир қирқма милтиқдан узганди.

Ёдгор билан Дилмурод мурдани машинанинг юқхонасига жойлаштиргунча, Азиза ўриндиқдаги қонни тозаллади. Владимир уни ҳам йўқотмокчи эдию қўйишмади.

Ваҳшийлар Қўқон-Андижон йўлининг 288-289 километрлари ўртасида мурдани ташлаб кетишди. Солижон аканинг жасади орадан қирқ кун ўтгач шу ердан топилиди.

Бу жиноят ишини кўриб чиққан вилоят суди Дилмурод Нурматов ва Владимир Востриковларни ЖМнинг 63-моддаси билан айбли деб топиб, тегишли мол-мулкларини мусодара этди, ўзларини ўлим жазосига ҳукм қилди.

Ёдгор Шарипов мол-мулки мусодара қилиниб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шундан икки йилни турма ва 5 йилни қаттиқ режими ахлоқ тузатиш муассасасида ўтгадиган бўлди.

Ўқтамжон ХОЛИҚОВ,
Андижон вилояти ва шаҳри судининг мақсатчиси.

ТАЛОН-ТОРОЖГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Халқ хўжалиги объектлари, фуқаролар хонадонлари ва бошқа шунга ўхшаш жойларни муҳофаза этишда енгининг олдини олиш ва кўриқлаш техникалари, ташвишгоҳлардан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ички ишлар бўлимлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари шундай қудайликларга эгадирлар. Объектларни марказлашган кўриқлаш пултилари орқали назоратга олиш кейинги пайтларда ўзининг яхши натижаларини бермокда.

Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги шундай хизмат бўлинмалари томонидан шу

кунда 1644 та халқ хўжалик объектлари ва 400 та фуқаролар хонадонлари кўриқланмокда. 1992 йилнинг саккиз ойи мобайнида кўрсатилган объектлардан 120 тасида муфассал таъмирлаш ишлари ўтказилди. Электр таъмирчилар эса доимий равишда иш олиб боришмокда. Улар томонидан объектларга мунтазам янги техника воситалари ўрнатиб борилмокда. Бунинг оқибатида марказлашган кўриқлаш пунктларида хизмат ўраётган операторларнинг ишлари енгиллашмокда.

1992 йилнинг шу давригача объектлар кўриқланишини мустаҳкамлаш мақсадида Совет

райони марказий кўриқлаш пунктига янги типдаги ҳар бири 200 қалитга эга бўлган икки дона “Нева-10” пулти ўрнатилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари бошқа объектларда 85 та “Фотон-1”, “ЭХО-2”, “Рубин”, “Вектор-1-2” ўтказгичлари ўрнатилди. Марказлашган пунктларнинг ва шу жойда хизматини ўтаётган қўлга олиш гуруҳларининг, пултилардаги оператор-бошқарув ходимларининг фаол ҳаракатлари натижасида давлат мулкни талон-торож қилинишига йўл қўйилмапти.

Ш. ҚУРБОНОВ,
милиция капитани.

УНФУРУШЛАР

Худойберди Болтаев Поп райони таъмирдаш-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган эди. Бир кун шайтон уни йўлдан урдими, ёки у шайтонни йўлдан урдими, ишқилиб “Найман” матлубот жамияти таъминотчиси Қайтарали билан тил топишиб, 119 қоп ун сотиб олди. Албатта, бу халқнинг ризқи эди, лекин Худойберди “мен ҳам бунинг якка ўзим емайман-ку”, — деб ўзига тасалли берди ва 13 минг сўм соф фойдаси билан сотаётганда, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими катта оператив вакили Обиджон Маҳмудов, Поп райони ички ишлар бўлими иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси катта оператив вакили Юсуфжон Мирзаниезовлар томонидан қўлга туширилди.

Худойбердининг уйда қўшимча текширув ўтказилганда, яна 110 минг сўмлик ун топилиди. Унинг ҳамтовоғи Қайтарали ишларининг ҳам миси чиқиб қолди. Аниқланишича, у 33 қоп унни четта “узатиб” юборган экан. Ҳисоб-китоблар чоғида эса бўйида 111 минг 309 сўмлик камомади борлиги ҳам маълум бўлди.

Қўннинг ризқини еб юбориш яхши натижаларга олиб келмаслиги яна бир бор исботланди. Тўғри, исбот-ку ҳар доим бўлапти, лекин...

Адҳам ҲАМИДОВ.

ДЎКОНДА ОТИШМА

Узундан-узоқ навбатлар, баланддан баланд нарх-наво одамларнинг асабини роса чархлаяпти.

Асбест шаҳридаги 39-озиқ-овқат дўконига тухум олиш учун кирган аёл ичкаридаги сихдай тўғри навбатнинг охирига бориб турди. Навбати келганида сотувчи бир “решетка” тухумни узатди. Аёл бир-иккита тухумларни алиштириб беришларини илтимос қилди, аммо шу заҳоти рад жавобини олди. Буниси берасан деди, униси йўқ. Охир-оқибат сотувчи харидорнинг юзига битта тухумни қулочкашлаб олди. Шу заҳоти аёл ҳам жавоб қайтарди.

Отишма иккита “решетка”даги тухумлар тамом бўлгунча давом этди.

Дўкондаги харидорлар эса бу ҳолдан унчалик ажабланишмади. Чунки улар бундан бир неча кун аввал бошқа бир дўконда помидорбўроннинг ҳам гувоҳи бўлишган эди.

КАЙФ ЙЎЛИДА ЖОНДАН ЖУДО

Олтой ўлкасидаги Алабой қишлоғида истиқомат қилувчи икки аёл ва бир эркак бирга ўтиришиб, яхшигина кайф қилишди. Улар ароқ ўрнига нитхинол (техника спиртига ўхшаш суюқлик) ичишганди.

Аёллардан бири ярим кечаси кучли оғриқдан уйғониб кетди.

Унинг томоғидан қон келарди. Қараса, ёнидаги жинсдошининг ҳам аҳволи чатоқ. Шишадош эркак эса аллақачон бандаликни бажо келтиришга улгурибди. Аёлларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Одатда, эркакларнинг организми аёлларникига нисбатан анчагина кучли бўлиши керак эди. Лекин юқоридаги ҳол бунинг аксини кўрсатди. Балки аёллар камроқ ичишгандир ёки ҳақиқатан ҳам уларнинг жони қирқтамакин.?!

ФАРЗАНД КЕРАК ЭМАСМИШ

Тоғли Олтой шаҳрида ҳомиладор аёллар сони кескин камайиб кетди. Сабаб?

бериб тураркан.

Вилоят марказида бўлаётган суд мажлисида ажрим иши кўриб чиқилмокда. Эр-хотинлиқни хоҳламаётган эр-хотинлардан сўрашди: “Нима сабабдан ажралишни ихтиёр этидиларингиз?”

Шунда эр бўлишни истамаётган эр “зайфа”си ҳақидаги дил сўзларининг борини тўкиб солди. Роса жаҳли чиққан беш минути кам собиқ хотин шундай шапалоқ тортиб юбордики, шўрлик эр полга юз-тубан тушди.

“Мана, кўрдингизми?” — деди у ўрнидан зўрга туриб.

Судья дарҳол ажрим эълон қилиб юборди.

(“СЕМЬЯ” ҳафталигидан олинди).

СИЗ КУТГАН, КУТМАГАН ХАБАРЛАР

ФАРҒОНА
ТЎҚЛИККА
ШЎХЛИКМИ?

Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Кўксимизга мустақиллик шабодаси тегди. Айни пайтда деярли барча юртдошларимиз кутилмаган тухфадан руҳланиб, бир гайратларига ўн гайрат қўшиб ишламоқдалар. Мақсадлари серкуёш Ўзбекистон бойликларини кўпайтириш, шу аснода мустақилликнинг тўла ғалабасини таъминлаш.

Хўш, нима учун юқорида “деярли барча юртдошларимиз” деган иборани ишлатдик?

Афсуски, шולי курмаксиз бўлмаганидек, ҳалол ва софдил, қалби эзгуликка тўла кишилар орасида бадният кимсалар ҳам учраб тураркан. Шу йил сентябрь ойининг бошларида Фарғона вилояти миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, ички ишлар бошқармаси ҳамда Қирғули райони ички ишлар бўлими ходимлари биргаликда рейд ўтказиб, “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасида гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилаётганини аниқладилар. Яна ҳам аниқлаштирадиган бўлсак, асбобсозлик участкасининг

таъмирлаш-механика цехида 1959 йилда туғилган Василий Самсоновга қарашли жавондан револьвернинг металл қисми, совуқ куроллар туркумига кирувчи 48 дона пичоқ ва унинг қисмлари, уч дона миллий пичоқ, бир дона нунчак ва уни тайёрлашда ишлатиладиган материаллар топилди.

Шундан сўнг у яшаб келаётган хонадонда тинтув ўтказишга қарор қилинди. Бу саъй-ҳаракат ҳам самарасиз бўлмади. “Макаров” белгили тўппончадан отилган ўқларнинг 18 дона гилзаси, уч дона қинли ясама пичоқ далилий ашё сифатида олинди.

Сўнгра унинг ҳамтовоклари билан шуғулланишга тўғри келди. Қарангки, Ҳаётжон Уринов ўз уйида битта қўлбола пичоқ, 10 грамм нашага ўхшаш наркотик модда, сиеҳдон шаклида ясалган портлатич, Анвар Холмуродов эса 2 дона қинли қўлбола пичоқ, тўрт жуфт нунчак сақлаётган экан.

Бу каби совуқ куролларни қонунга зид равишда тайёрлашдан ва яширинча асраб юришдан муродлари нима — бу тергов жараёнида аниқланади.

Алп Эрдон.

ТОШКЕНТ
ЁШ, АММО
ТАЖРИБАЛИ

...Ойдин кеча. Шаҳар аҳли ширин уйқуда... Қоронгу кўчадан уч номаълум шахс узун-қисқа бўлиб, қаёққадир шошиб кетяпти. Соат иккилар атрофида улар Чилонзор районининг 8-даҳасида жойлашган 20-кўпқаватли уй қаршисида тўхтади. Ҳеч қандай иккиланишсиз тўғри шу ерга келишганди, чунки бу уйнинг биринчи қаватида тижорат-воситачи дўкони жойлашган.

Ён-атроф тинч эканига ишонч ҳосил қилган “уч оғайни” мақсадни амалга оширишга ўтдилар. Озроқ муддатдан сўнг бирининг қўлида видеомагнитофон, иккинчисининг қўлида аёллар ёмғирпўши ва яна бири эркаларнинг чарм куртқасидан бир нечасини кўтарган ҳолда кўринди. “Пул топиш учун аҳмоққа ўхшаб ишлаб юриш шарт эмас”, — ана шундай ҳаёл билан энди “қуён” бўлишмоқчи эди-ю...

Шу куни навбатчиликда турган Чилонзор райони ИИБ жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Шавкат Зиёмуҳамедов бошчилигидаги 5 кишидан иборат тезкор гуруҳ бу ерга ўз вақтида

етиб келди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳаёлпарастлар қўлга олинди.

Терговда маълум бўлишича, улар муқаддам судланиб қамалиб чиққан, 1970 йилда туғилган А. М., 1974 йилда туғилган В. И. ва 1977 йил туғилган В. Клар экан.

Ҳа, ўғриллар ёш бўлишига қарамай тажрибали кўринади. Бир ҳаракатнинг ўзида 60 минг сўмлик ўлжа-я. Шавкат Зиёмуҳамедовнинг таъкидлашича, сўроқ давомида уларнинг ўтган ой мобайнида содир этган яна уч жиноятлари ҳам фош этилди. Тергов давом этмоқда.

Ф. СОБИРОВ.

УМРИ УЗУН ЭКАН

Вилоят касалхонасидан район ИИБга қўнғироқ бўлди. Бир йигитни ўласи қилиб калтакланган ҳолда бу ерга келтирилган. Аниқланишича, у Юнусобод районида истиқомат қилувчи Александр Мошинский экан. Кучли калтаклар зарбидан ўзини англолмай ётар, шунинг учун ҳам ундан бирор нарсани сўраб олишнинг иложи бўлмади. Воқеа жойига борган оператив гуруҳ Зон ҳалқобларидан бошқа ҳеч нарсани аниқлай олмади. Изқуварлар Александрнинг уйига боришганда оила аъзолари

уни анча бурун “Москвич” белгили машинасини миниб чиқиб кетганини айтишди. Бу маълумот кўпгина чигалликларни ечишга имкон берарди.

Орадан кўп ўтмай илгари беш марта судланган, яшаш жойининг тайини бўлмаган Олег ва хотинининг уйида жанжал чиқариб, бор идишларини синдириб, ёқиб юборгани учун Юнусобод райони ИИБ томонидан қидирилаётган Раҳмонбердилар қўлга олинди.

...Улар ўша куни Александрнинг машинасини кира қилиб, қайгадир бормоқчи бўлишди. Турғун Мирзаев номи жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтишаётгани иккаласи бирдан ҳайдовчига ҳужум қилиб, роса дўппослашди. Ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, машинани миниб воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Шошқалоқ жўралар тезда “Москвич”нинг гилдирақларини, эҳтиёт қисмларини ечиб олиб, қолганини ёқиб юборишди. Лекин излар йўқолмаган эди.

Александрнинг эса умри узоқ экан.

Ю. ЁҚУБОВ,
Тошкент райони ИИБ
бошлиғи муовини, милиция
майори.НАМАНГАН
ВИЖДОНИ
УЙҒОНИБ ДИМИ?

Поп районидаги Уйғур матлубот жамиятига қарашли 10-саноат моллари дўконининг мудури Илҳомжон Рустамов кунлардан бир куни ҳеч кутилмаган ишга қўл урди. Дўконини бир кўздан кечириб чиқса, унчалик эътибор берилмайдиган бурчакларда 8 минг 545 сўмлик 15 турдаги халқ истеъмоли моллари яшириниб қолибди. Яна ҳам яхшироқ разм солиб қараса, дўкониди ҳисобдан ташқари моллар — 19 жуфт калиш ва 51 дона электр лампочкалари ҳам

бор экан. Нима қилишини билмай, шоша-пиша Поп райони ИИБ ИЖК опервакили У. Салоҳиддиновга сим қоқди. Етиб келган вакилга барча кўрганларини оқизмай-томизмай айтиб берди. Топилган молларни далил сифатида топширди.

Ҳозирги кунда эса ўзи устидан жиноят иши қўзғатишлари ва тергов олиб боришларини илтимос қилиб юрибди...

Бундай эмас, азиз ўқувчи, асло бундай эмас. Сиздан ушбу мақолани бутунлай тескари маънода тушунишингизни сўрайман.

Бериш шарт билан 4 сўм 05 тийиндан сотиб олган. Район ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари томонидан текширилганда, ҳар шиша пивони жойида ичиш шарт билан 10 сўмдан пуллаётганлиги аниқланди. Ундан 3000 сўм 4 пул, яншик пиво 26 яншик шиша идишлар ашёвий далил сифатида олинди.

Хуллас, “ишбилармон”лик қилиш осонмаслигига Муроднинг ақли етди.

А. ҲАМИДОВ.

СУРХАНДАРЁ
ТОНГГИ САЙРНИНГ
ҲОЙДАСИ

Ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган К. Залбудинов ва Ч. Тошевларнинг тонг саҳарда феъллари айниб қолди. Денов шаҳрининг Октябр кўчасида қўлтиғига аллабалолар қистириб келаётган икки меҳмонга назарлари тушган эди-да.

КИРСОВУН
ҲАНГОМАСИ

Термиз темирйўл бекатида вагон текширувчиси бўлиб ишловчи М. Рустамнинг уст-бошини кир босди, чамаси. Кирсовун эса, билганимиздек, анқонинг уругига айланган.

Кўргонча-Янгибозор йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд вагонига хўжалик совунлари

Биқинига таралган пичоқдан жони ҳалқумига келган йўловчилар 192 метрлик хонатласни гап-сўзсиз икки йўлтўсарга тутқазди. “Мезбонлар” бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Саёҳатчилар ўз юртларига қўлларини қўлтиққа урганича жўнашга бир баҳя қолганди, милиция ходимлари икки йўлтўсарни тутиб келди.

С. СУЛАЙМОНОВ.

юкланган экан. У мутахассис сифатида жуда яхши билардики, вагон эшикларини очиш мушкул иш. Ноилож деворини синдириб киришга аҳд қилди. Лекин омади юришмади. Қўлга тушди.

Энди унинг шаънига тушган догни ўзи ўғирлаб кетаётган 10 минг сўмлик совун билан ювиб ҳам кеткизиб бўлмайди.

А. ҲАКИМОВ.

ЎЛИБ ҚОЛМАСЛИК МАНБАИ

ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ҲАҚИДА

Уни “Сариқ аждар” деб номлашган. Ҳақиқатан ҳам иши номига жуда мос. Унинг қомига тушган омилар ҳеч қачон омон қолишмаган. Бу аждар шунақа ҳийлагарки, кучоғидагиларни роса яйратади, ўзига бўйин беришга мажбур қилади ва ҳатто беш дақиқаси кам миллионерга ҳам айлантириб юборади. Лекин охирига келиб, яъни яйратиб-яйратиб... ўлдириб қўя қолади. Ва ёки пулга кўмиб-кўмиб, сўнг думига яхшилаб ўтқизади, панжара билан чегараланган учинчи бир оламга итқитиб юборади. Лаънатики, у ёқ-бу ёғи йўқ.

Унинг боши ҳам битта эмас. Ҳозир бошларининг қандай номланишини санаб берсам, гап нима ҳақида бораётганлигини дарров билиб оласиз: кўкнор, афшон, наша, марихуана...

Унга қарши кураш аллақачонлар бошланган, давом этяпти ва албатта бундан кейин ҳам давом этади (қачон ниҳоясига етиши ҳақида эса бир нарсга дейиш қийин). Жумладан, Самарқандда ҳам.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари жорий йилнинг саккиз ойи бадалида 213 бор наркотик моддаларни сақлаш, истеъмол қилиш ва олиб-сотиш фактларини аниқладилар. Ўтган йил билан қиёслаганда, бу рақам 45 тага кўп (ўтган йилгиси — 168 бор). 120 та жиноий иш қўзғатилган (108). 72 кишига нисбатан маъмурий жазо қўлланган (81).

Бу яланғоч рақамлар остида ва устида қанчалар кўнғилбузарли “гурун”лар ҳамда воқеалар бўлганлиги таажжубланарли эмас. Ваҳоланки, бу зорманда кимлар учундир яшаш, аниқроғи ўлиб қолмаслик, яна кимлар учундир жарақ-жарақ пул манбаи. Биринчиси гирт напавандлик, кейингиси наркотики билан шуғулланувчи гирт бўлмаган напавандлик. Аммо иккаласи ҳам бирдай зарарли ва заҳарли. Демокриманки, бундайлар билан ички ишлар ходимларининг мулоқоти ҳеч қачон осон кечмаган, кечмайди ҳам.

Юқоридаги рақамий натижаларнинг юзага келишида вилоят бўйича қаттиқ тартиб остида ўтказилган “Қорадори-92” тадбирининг аҳамияти катта. Аввалига милиция ходимлари

томонидан наркотик ўсимликлар ўсаётган жойлар, уларни етиштираётганлар, тайёр маҳсулотни ташувчилар, олиб-сотувчилар, истеъмолчилар ниҳоятда пишиқ-пухта ўрганиб чиқилди, барча маълумотлар ИИБ жиноят-қидирув бошқармасида тўпланди ва таҳлил қилиб чиқилди. Вилоятда наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш масаласи бўйича бошқарма бошлиғи милиция генерал-майори Т. Тохтаев раҳбарлигида махсус йиғилиш ўтказилди. Унда шаҳар-район ИИБ бошлиқлари иштирок этишиб, бўлим ва бўлинмаларнинг тадбирга тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди. Шундан сўнггина барча куч ва воситалар тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун жалб қилинди, республика ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган вертолётлар билан бир қаторда ДОСААФ ва районларнинг ҳарбийлашган уюшмаларининг автотомобилларида фойдаланилди.

Натижа ёмон бўлмади (бу гап менимча унчалик ёпишмади, натижанинг ёмон бўлмаганлиги тўғри, лекин унинг борлиги ачинарли). Вилоят бўйича 146 гектар майдонда ўсаётган наркотик ўсимликлар аниқланди ва йўқ қилиб ташланди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, “экин-тикин” ишларининг асосийси Ургут, Қўшработ ва Каттақўрғон районлари ҳисобига тўғри келади.

“Қорадори-92” тадбирининг биринчи босқич якунларига кўра, 259 нафар напаванд ички ишлар идоралари ҳисобига қўйилди. Умумий хулоса бўйича милиция ва наркологик марказ ҳисобига киритилганлар сони 1 минг 574 кишини ташкил қилади.

Тадбир жараёнида наркотик моддаларни тарқатувчи йирик гуруҳлар ҳам аниқланди.

Ҳозирча бу ҳақда батафсил сўз юритишга анча эрта; тергов ишлари кетаяпти. Фақатгина якуини топган бир-иккита мисоллар келтиришимиз мумкин.

Ургут районидаги “Правда” жамоа хўжалигида яшовчи Х. Суюров бўй каллиграмми 135 грамм афшон билан, Булунгур районида юрган ургутлик Т. Сатторов 6 килограмм наша билан, Челақ районининг Челақ қишлоғи

фуқароси А. Қодиров 8 килограмм кўкнор билан қўлга олинди. Булар, юқорида айтганимиздек, мисол тариқасидаги фактлар.

Баён қилиб ўтганларимизнинг барчаси ишнинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам борки, бу ҳақда тўхталиб ўтмасак бўлмас. Гап ечимини кутаётган муаммолар ҳақида. Гиёҳвандликка қарши курашда маҳаллий ҳокимият умуман бош қўшмаяпти. Унинг қарорлари битилган қорғозлар чанг босган папкалар ичида сарғайиб кетди. Моддий-техник ёрдам ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ички ишлар идораларига яқиндан мадад бериши керак бўлган соғлиқни сақлаш идоралари, шаҳар, қишлоқ кенгашлари вакиллари ҳам тадбирда умуман иштирок этмадилар. Наркотик ўсимликларни ноқонуний равишда етиштиришга йўл қўйган хўжалик раҳбарлари устидан ҳокимликларга йўлланган маълумотларимиз жавобсиз қолмоқда.

Айниқса, бир нарсани очиб айтишга мажбурмиз. Суд ва прокуратура ходимлари рад қилиб бўлмайдиган далил-ашёлар билан ушланган шахслар устидан қўзғатилган жиноий ишларга сўнгги нуқта қўйиш ўрнига уни тўхтатиб, ёпиб қўйишгача бораптилар. Агар Самарқандда наркотик ўсимликларни ноқонуний равишда етиштириш ниҳоятда авжланаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унга қарши курашиш учун юқоридагидек муносабат ҳамда мавжуд моддий-техника базаси керакли ижобий натижаларни бермаслиги тайин. Қўшимча сифатида яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Эндиликда экологик жиҳатдан зарарли бўлмаган кимёвий пре-паратлардан фойдаланиш вақти келди. Шунингдек, илмий текшириш институтларининг бевосита ёрдамлари ҳам жуда керак.

Азиз юртдошлар! “Сариқ аждар” ўз номи билан аждар. Унинг домига тушдингизми, таном, инсонийликнинг ҳам ичми, ҳам ташқи қиёфаси сизни тарқ қилади. Огоҳ бўлинг!

Фирдавсий ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚБ
опервакили, милиция
капитани.

Жаҳон адабиёти хазинасидан

(Давоми. Боши газетанинг 64 — 89 сонларида chop этилган).

Лейла билан қилган суҳбатим едимга тушди. Хизматчининг гапи унинг айтганларига тўғри келмаётган эди. Икковидан бири ёлгон гапирарди. Лекин Лейлага ёлгон гапирарди нима кераги бор?

Бир оз ўйлаб кўрганимдан кейин бу гапирарди меҳмонхонада яна қолишимга бошқа ҳолати йўқ деган хулосага келдим. Сирли фожиянинг ечимини бошқа ердан қидириш керак эди.

Йўлакка чиқдим. Вонг деворга суянганча чекар эди. Мени кўрган заҳоти қаддини тўғрилаб, таъзим қилди. Хизматчи йўқ эди.

— Қоникқандирсиз, деб ўйлайман, сэр?

— Албатта. Мен бу ердан кетмоқчиман. Репала-Бейда бирор меҳмонхона борми?

У ҳайрон бўлди.

— Бор, сэр. У ерда жуда ҳам яхши “Репала-Бей” меҳмонхонаси бор. Сизга хона буюриб қўйми?

— Агар иложи бўлса, ҳозирок у ерга кўчиб ўтсам дедим.

— Биласизми, сэр, бу меҳмонхона бирмунча узоқ. Агар сиз Каулунни томоша қилмоқчи бўлсангиз, у анча ноқулай. — Ҳечқиси йўқ. Мана бу қари тасқарага айтинг, ҳисоб-китоб қилсин.

— Сиз ундан бошқа ҳеч нарса сўрамоқчи эмасмисиз?

— Вонгнинг ҳафсаласи пир бўлганга ўхшар эди.

— Йўқ. Юринг, бу ердан кетайлик.

Ярим соатдан сўнг бизнинг “Паккард” Репала-Бейнинг хушманзара йўлида гизиллаганича учиб борарди.

Репала-Бей ажойиб жой бўлиб, меҳмонхона теварак-атрофга уйғунлашиб кетганди. Атрофи тоғ, пастида зумрадранг сув мавж уриб турган пана кўрфазлари кўп бу маскан мен дам олган барча курортлардан ҳам гўзалроқ эди.

Вонг меҳмонхонадан мен учун деразалари денгизга қараган хона олишга муваффақ бўлди. “Паккард”ни қолдириб, саноксиз таъзим бажо келтирар экан, доим хизматимга тайёр эканлигини айтганича жўнаб кетди.

Нарсаларимни жойлаб бўлгач, Герман Жефферсон сирга олиб борадиган калава учини топиш мақсадида телефон китобини варақлаб чиқдим, хизматкордан сўрадим. Лекин телефон китоби ҳам, хизматкор ҳам у ҳақда ҳеч нарса билишмасди. Шундан сўнг дорбонни кўнгиладим. Одатда улар ҳамма нарсани билишади. Ундан зинаполярлари тўғри денгизга, катер турадиган кичкинагина бандаргоҳга тушадиган вилла кимники эканлигини сўрадим.

Дарбон жавоб беришдан аввал ўйлангандек менга тикилди.

— Сиз мистер Лин Фэнни назарда тутасизми, сэр? Ҳозир у ерда мистер Энрайт билан унинг синглиси туришди, улар америкалик.

— У ерда Герман Жефферсон деган йигит турганини эшитмаганмисиз?

У бошини чайқади. Жонига тегаётганини кўриниб турарди.

— Жефферсон? Йўқ, бундай кишини билмайман, сэр.

Сал вақт ўтгач, одам лик тўла пляжга тушиб, ижарага сув велосипеди олдим-да, бор кучим билан ҳаракат қилганимча бутун қирғоқ яқол кўринадиган жойга етиб бордим. Лин Фэннинг вилласини дарҳол кўрдим. У денгизга туртиб чиққан жойдаги дарахзорлар ичида жойлашган эди. Тоғ енаберида бой, чиройли зинаполяр кичкина бандаргоҳга туташган, тезюрак катер сувда чайқалиб юрарди.

Виллага яқинлашдим ва икки ёки уч юз гача масофадан яхшилаб кузата бошладим. Агар Герман Жефферсон, Лейла айтганидек, бу виллани ижарага олган бўлса, демак пул топиш имконияти пайдо бўлган. Лекин қандай имконият? Балки Жо-Эн шунчаки мактабнинг учун Лейлага шундай дегандир? Аёллардан бунга кутса бўлади.

Бирданига юқори қаватдаги ойнадан иккита кичкина нуқта яраклаб кетди. Нарироқ кетдим. Ўн дақиқача дала дурбини кузатувида соҳил бўйлаб сузиб юрдим. Унинг ойналари куёш нурларида ярқираб турарди. Шундан сўнг кузатувчининг сичков нигоҳини сезган ҳолда қирғоққа қараб йўл олдим. Мен билан нега бунчалик қизиқиб қолишди, деган савол тинчлик бермасди. Меҳмонхонага борар эканман, бундан кейинги

режаларим ҳақида ўйлаб бошладим.

Эртасига эрталаб ҳам нима қилишимни аниқ билмасдим. Соат ўнларга яқин пляжга тушдим. Маза қилиб чўмилиб чиққач, кумга чўзилдим-да, миямдан Герман, Жанет Вест, қари Жефферсон ва бечора Лейла тўғрисидаги оғир ўйларни чиқариб ташлашга ҳаракат қилдим. Гонконгнинг ажиб-латофатли табиати инсон зоти қаршилиқ кўрсатишга ожиз.

Куёшнинг майин нурларида бир соатча роҳатланиб ётганимдан сўнг ёнимдан кимдир ўтганини пайқадим. Истамайгина кўзларимни очдим.

У баланд бўйли, қомати келишган, бадани куёш нурини

юришадими? Ҳайрон қоласан киши. Ёнимда Лин Фэннинг вилласини ижарага олган одамнинг синглиси ўтирарди. Ойнасида куёш нурлари акс этиб турган дурбин едимга тушди. Бу балки умуман омад эмасдир. Балки бу учрашув анча нозик ва мен тушунмаётган сабаблар натижасидир.

— Қанийди... балки, бирор ҳафта бўларман, — сув киргизмайдиган чўнтагимдан сигарет билан зажиғалка чиқардим. — Бахтингиз бор экан, шундай жойда яшаркансиз. Ажойиб жой.

Унга сигарет таклиф қилдим. Чекишдик.

— Ажойиб дейсиз... Ҳозир энг яхши фасл, лекин бу ер расво бўлди. — Сигарет тутуни ҳавода тарқалиб

Бемаънилик. Герман шунақа... бир оз жим қолиб, яланғоч елкаларини қисиб қўйди. — Биласизми, очигини айтганда Герман кишида ҳурмат уйғотмасди. У менга екмасди, лекин Гарри у билан овунардир. Бошқа ҳеч қандай фазилати йўқ эди. У бечора хотинининг ҳисобига яшаб юрибди деган миш-мишлар тарқалган эди. Лин Фэннинг вилласини ижарага олишга қурби етмасди. Айтяпман-ку, бемаъни гап. Ким сизга шундай дейиши мумкин.

Тезюрак катернинг овози денгизга қарашга мажбур этди. У тўлқинларни қирқар, оқиш сув томчиларини сачратганича биз томонга елиб келарди.

— Мана, Гарри ҳам келиб қолди, — Стелла ўрнидан сакраб туриб, қўлларини силкита бошлади.

Катер секинлашиб, тўхтади. Оқим уни солчага келтириб урди. Баланд бўйли, куёшда қорайган киши Стеллага дўстона жилмаярди. Чиройли юзи бир оз салқиган, бўртиб чиққан томирлари кўп ичидан дарак бериб турарди.

— Сени олиб кетгани келувдим. Тушлик вақти бўлди, — дея савол назари билан менга қаради. — Танишингми?

— Бу киши Нельсон Рейн.

Герман Жефферсонни танир экан. Стелла мен томонга қаради.

— Менинг акам Гарри.

Биз саломлашдик.

— Германни танирмидингиз? — сўради Гарри. — Хўш... У ҳақда нималарни билардингиз? Бу ерга кўпга келганмисиз?

— Бир ҳафтага, ундан кўп эмас.

— Агар бошқа қизиқарлироқ ишингиз бўлмаса, бугун кечкурун биз билан овқатланишга нима дейсиз? Сизни катерда олиб кетаман, бўлмаса бизникига кира олмайсиз. Келишдикми?

— Биласизми, жон дердиму сизларни безовта қилгим келмайпти.

— Ҳечқиси йўқ. Соат саккизда соҳилга тушинг. Мен ўша ерда бўламан, овқатдан кейин катерда сайр қиламиз. Кечаси денгиз ажойиб бўлади. — У Стеллага қараб қўйди. — Кетдикми?

— Олдин мени қирғоққа олиб бор. У ерда шляпамни қолдирганман, — дея Стелла катерга чиқди. Унинг эпчил ҳаракатларидан кўзимни узолмадим. Тўсатдан ўгирилиб, менга қаради ва пинхона фикрларимни уққандек қулди. — Кечкурунгина! — деб қўл силтади ва аксининг ёнига ўтирди.

Гарри ҳам бошини силкиб қўйди. Катер гизиллаганича қирғоқ томон кетди.

Сигарет тутатиб, оёғимни сувга солдим. Ўйлаб кўрадиган нарсалар бор эди. Яна ярим соатлар чамаси куёш тафтида маза қилиб ўтирдим, сўнгра очикқанганимни ҳис этиб сувга тушдим-да, қирғоққа қараб сузиб кетдим.

Соат саккизда соҳилга тушдим. Бир неча дақиқа кутганимдан кейин қоронғулукдан катер чиқиб келди. Рулни барзанги хитойлик киши бошқарарди, гўе мен майиб одамдек ўта хушмуомалалик билан катерга чиқиб олишимга ердан берди. У ҳар сонияда таъзим қилар ва пўлат қўллари билан билагимни қисар эди.

— Мистер Энрайт, — тушунтирди у инглиз тилини шафқатсиз равишда бузиб, — кела олмаганинги учун узр сўрайди.

Катер таги гўе сувга тегмаётгандек учиб борарди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас Лин Фэннинг вилласи* пойидаги кичкина бандаргоҳга келдик.

Пиллапоярлар тик ва узун экан. Айвонга етганимизда бир оз ҳарсиллаб қолгандим. Стелла олди очик оқ қўйлақда бамбук курсига ярим ёнбошлаб ўтирарди. Қўлида коктейлли қадаҳ, лабиди сигарет.

Хитойлик хизматкор бола бир четда унинг ҳар қандай топширигини бажаришга шай бўлиб турибди. Гарри Энрайт кўринмади.

— Мана, сиз ҳам келдингиз, — Стелла менга қўл силтади. Нима ичасиз?

Мен содали виски сўрадим, хизматкор бола бир зумда ичимлик тайёрлаб берди.

— Гарри ҳозир келади. Мана бу ёққа ўтиринг, шунда сизни яхшироқ кўраман.

Айвонга катта меҳмонхона тутатиб кетган эди. У хитойча усулда безатилган бўлиб, қизил ипак матога тикилган суратлар деворда осилик эди. Ўртада қора садафдан ясалган стол ясагинлик.

— Унингиз шинам экан.

— Ҳа... Дуруст. Вилла масаласида омадимиз келиб қолди.

Бу ерга келганимизга бир неча ҳафтагина бўлди, холос... Илгари

Каулунда уйимиз бор эди. Бу ер бизга кўпроқ ёқади.

— Сизга бу ерда ким яшаган? — сўрадим мен.

— Менимча ҳеч ким. Хўжайини уни яқинда ижарага қўйишга қарор қилган. Ҳозир у Макаога яшайди.

Шу пайт айвонда Гарри Энрайт кўринди. Саломлашдик, у келиб рўпарамга ўтирди.

Хизматкор коктейл ҳозирлади. Биз одоб юзасидан табиат, вилланинг афзалликлари тўғрисида, арзимайдиган нарсалар ҳақида гаплашиб олганимиздан кейин у:

— Бу ерга иш билан келганмисиз? — деб сўради.

— Дам олгани келдим. Бир ҳафта бўш вақтим бор эди, шу ерга келишдан ўзимни тия олмадим.

— Тўғри қилгансиз, — у менга самимий қараб қўйди. — Гонконгта ошик бўлиб қолдим. Стелла ласанденалик эканлигини айтди. Герман Жефферсонни яхши билармидингиз?

— Унинг отасини яхши танийман. Қария қаттиқ қайғуда. Бу ерга келишимни ўгли ҳақида бирор нарса билиб келишимни илтимос қилди.

Энрайт қизиқиб қолди.

— Ростданим? Нимани билишингиз керак экан?

— Биласизми, унинг кетиб қолганига анча бўлди. Жуда кам хат ёзарди. Отаси ўгли бу ерда нима билан шуғулланганини мутлақо билмас эди. Германнинг осиелик аёлга ўйланганини тўғрисидаги хати уни ларзага солди.

Гарри тушунганини билдириб, Стеллага қаради.

— Албатта.

— Ўйлайманки, қария ўгли тирикчилигида ҳамхўрлик қилганини учун азоб чекмоқда. Билмайсизми, Герман тирикчилик ўтказиш учун нима қиларди?

— Менимча, ҳеч нима, — деди аста Энрайт. — У сирли шахс бўлсада, менга ёқарди, лекин бошқалар хўш кўрмас эди. — Гарри Стеллага кўз қисиб қўйди. — Масалан синглимининг уни кўгани кўзи йўқ эди.

Стелла бу гапни рад қилгандек қўл силтади.

— Бўрттираверма. Тортишмайман, унчалик ёқтирмасдим. У ҳар қандай аёл олдимда тиз чўқади деб ҳисобларди... Бундай кишиларни жиним ёқтирмайди.

Энрайт кулиб юборди.

— Сен тиз чўқмадинг, — аксининг сўзида киноя сезилиб турарди. — Балки узум хом бўлгандир? Нима бўлганда ҳам, у менга ёқарди.

— Демак, беадаб одам экансан, — гап қайтарди синглиси. — Ҳар қандай масхарабоз ҳам кўнглинганга ўтиришаварди.

Суҳбатимизни овқат тайёрлигини айтгани келган хизматкор бўлди. Меҳмонхонага ўтдик.

Хитой таомига таъриф беришга тил ожиз. У ёқ-ёқдан гаплашиб ўтирдик. Энрайтнинг кайфияти чоғ эди, лекин Стелла нимадандир таъшишлангандани сезиб қолдим.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин у тўсатдан:

— Мистер Рейн, ҳар ҳолда ким сизга Герман мана шу виллани ижарага олган деб айтди? — деб сўраб қолди.

— Герман виллани ижарага олган эканми? — хитоб қилди Энрайт. — Ё тавба парвардигор! Ким сизга шунақа деди? — У ҳайрон бўлганича менга қаради.

— Хитойлик бир қиз. Мен уни Жефферсон яшаган “Самовий салтанат” меҳмонхонасида учратиб қолган эдим.

— Қизик, нима учун? — Стелла қовоғини уйди. — Ўйлаб топган гапини қаранг.


— Балки устимдан қулмоқчи бўлгандир, — тўсатдан мени кузатаётганларини сезиб қолдим. Орқамга қарардим. — Мен ундан Герман ҳақида сўраган эдим. Ваъда қилинган пулни олиш учун бирор нима дейиш мақсадида шундай дегандир.

— Рўпарамда катта ойна бор эди. Унга қараган эдим, орқамда, йўлақда кимнингдир йўғон қора шарпаси кўринди. У овулоча кийинган хитойлик киши бўлиб, диққат билан мени кузатарди.

Қандайдир бир сония давомиди ойнадаги нигоҳларимиз тўқнашди ва қоронги йўлақда гойиб бўлди.

Баданим жимирлаб кетди. Бу кишининг қиефасидан қандайдир мудхш ёвузлик тараларди, вужудини босган ваҳимани зўрга яширишга муваффақ бўлдим.

(Давоми бор).



ЧОРШАНБА 30 СЕНТЯБРЬ ЎзТВ 1

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар. 7.35 "Машина ойнасидаги шайтонвачча". Бадий фильм. 9.00 "Ёшлик ёгдуси". Видеоканал.

18.00 Янгилар. 18.10 "Хазина". Мультфильм. 18.20 "Чаман" гуддаси. Болалар учун концерт. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Самарқанд вилояти Окдара тумани "Тарона" ашула ва ракс ансамблининг концерти. 19.55 "Ижод саҳифалари" Ҳабиб Нўмон. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Устоз ҳақида ўйлар". Академик Ҳабиб Абдуллаев. 21.30 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.00 "Ғаройиб ҳодиса" Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ 11

Ўқув кўрсатувлари. 10.30 Биология. Дарвин таълимоти. Тур, унинг критериялари ва структураси. 11.00 "Карнай садоси" Фильм-концерт. 11.30 Киме. Олтингурут ва килороннинг хоссалари. 12.00 Болалар учун. "Қўғирчоқлар тилга кирганда". 12.30 Хор куйларидан концерт.

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 "Уолт Дисней таништириди..." Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Спринт". 19.40 "Иш-билармон"лар. 20.25 "Шахар ҳокимияти фаолиятдан". 21.10 "Суперспорт". 22.00 "Қизқарли учрашулар соати".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 Тюмень мусавири Ю. Юдин ижоди ҳақида кўрсатув. 11.20 Болалар телевидениеси уюшмаси. 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс. 12.20 "Жаноби олийларининг адъютанти". Беш серияли телевизион бадий фильм 2-серия. 13.45 "Ҳомий". Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 13.55 "Ўтиб бораётган ёз..." Телевизион бадий фильм. 1-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемекс". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Уолт Дисней таништириди..." 17.05 "Бизнинг мусикий клуб". 17.45 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 19.10 "Бойлар ҳам йиғилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Китобхона". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Футбол. Европа кубоклари ўйини олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (21.45) — Янгилар. 22.50 Режиссёр А. Вайда фильмлари. "Кул". 2-серия. 00.05 Янгилар. 00.40 "Қора кути".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ишдан бўш пайтингизда". 9.10 "Ватаним менинг". 10.05 "Оқолисида" кабареси. 11.05 "Моцартум" ансамбли чалади. 11.40 Театр сафари. "Премьерада ўйнаймиз". "Людвиг XIVнинг ёшлик йиллари". Москвада сатира театрининг спектакли. 12.30 Ретро. "Куйловчи гитаралар". 12.45 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара" Кўп серияли бадий телефильм. 79-серия. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Россия Конституцион суди залидан.

15.40 "Бизнес: янги номлар". 15.55 Мульт-пулти. "Сув". "Қизил денгизни ким бўяб қўйди?". 16.10 Христианлар учун кўрсатув. 16.40 "Орестрандан нигоҳ ташланса...". Дирижер Н. Голованов ижоди ҳақида.

17.00 — 22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 "Эстрада томошалари (Германия). 23.20 Спорт кўрсатув. 23.25 Россия Конституцион суди залидан. 23.55 Парламент хабарномаси.

ПАЙШАНБА 1 ОКТЯБРЬ ЎзТВ 1

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Қалбим эъзози". Диржабо концерт. 8.00 "Ғаройиб ҳодиса" Бадий фильм. 9.10 Турк тили. 9.40 "Дўстлик студияси кўрсатди. "Умид" (уғур тилида).

Зангори экранда

18.00 Янгилар. 18.10 "Асалари бўлган экан...". Мультфильм. 18.25 "Алифбо сабоқлари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Шифобахш ўсимликлар атрофимизда". Телефильм. 19.40 "Хотира". Ўзбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов таваллудининг 85 йиллигига. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 21.30 "Қоплоннинг учинчи сакраши". Бадий фильм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ 11

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 "Табассум". 19.00 "Театр учрашувлари". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 Хужжатли фильмлар премьераси: "Жалейка нималар ҳақида йиғлади?" ("Отечество" киностудияси), "Ассоциация" (сиктивкар). 11.20 "Бизнинг мусикий клуб". 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс. 12.20 "Жаноби олийларининг адъютанти". Беш серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 13.35 "Ковбойлар". Фильм-балет. 13.55 "Ўтиб бораётган ёз..." Телевизион бадий фильм. 2-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемекс". 16.10 "Уолт Дисней таништириди..." 16.40 "Тарих ва одамлар". Бадий-публицистик кўрсатув. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништириди: Куешли ўлка тароналари". Қозғоғистон куйларидан концерт. 18.50 Мультфильм. 19.05 "Бойлар ҳам йиғилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Менинг ҳаётимда...". Телефильм премьераси ("Экран"). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Яснaya Поляна қўшиқлари". 22.05 Рукн премьераси. "Хар бир киши ўзи ҳақида". 22.20 Халқаро мусиқа кунига. "Тикланиш". 23.20 "Телекоп". 24.00 Янгилар. 00.35 "Севги формуласи". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. "Коллекционер". 9.05 Чет эл композиторлари ижодида халқ қўшиқлари (Гершвин). Халқаро мусиқа кунига. 10.05 Футбол. УЕФА кубоги. "Репид" (Вена) — "Динамо" (Киев). 11.40 Кипрас Мажейка. "НАТО дан репортажлар". 7-сон. 12.10 "Тирикчилик". 12.50 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 80-серия. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.55 "Сигнал". 16.10 Мульт-пулти. "Икки рицарь". "Дайди тўтининг қайтиши". "Туларим, қаердасан?". 16.40 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси.

17.00 — 22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 "Келинг, аниқлаб олайлик". 22.45 "Осойишта уй". 23.45 Футбол. УЕФА кубоги. "Репид" (Вена) — "Динамо" (Киев). Венадан кўрсатилади. 2-тайм. 00.30 "Осойишта уй". (давоми).

ЖУМА 2 ОКТЯБРЬ ЎзТВ 1

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Бахтиёр". Фильм-концерт. 8.05 "Қоплоннинг учинчи сакраши". Бадий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Нишона". 18.00 Янгилар. 18.10 "Булути ўлкаларда сайр". Мультфильм. 18.20 "Борбон ва соҳибкорларнинг долзарб

вазифалари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Қонунчиликдаги янгилар. 19.50 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Умр мазмуни". Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига. Фильм премьераси. 21.50 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.20 "Пахта терими кундалиги". 22.35 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатув. 23.35 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 1-серия. 00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ 11

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
19.05 "Хўтичка". Мультфильм. 19.15 "Байкем. эжем жана биз". 19.30 "Ала-Тоо". 19.50 "Сиз ўзингиз кимсиз доктор Акрамов!". ("Киргизтелефильм"). 20.10 "Ўқун" программаси. 20.40 "Сенсуйгон обон". Усен Содиқов. 21.30 "Ала-Тоо" 21.50 "Куйдургу эле куйдургу". -М. Алибоев тугилган кунинг 75 йиллигига.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғилади". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.55 "Эчки ҳақида". Мультфильм. 11.10 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Жаноби олийларининг адъютанти". Беш серияли телевизион бадий фильм. 4 ва 5-сериялар. 14.40 "Лаббай, сизни эшитаяпман". Мультфильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ёндафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништириди...". 17.00 А. Майкапар чалади (клавиескин). 17.15 "Рус баронининг хиндча танлови". Телефильм. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Сиеват" студияси кўрсатади: "Муътабар шахс", А. Сокурров. 18.55 "Парвона". Мультфильм. 19.05 "Инсон ва қонун". 19.35 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 12-серия. 20.00 "Мўъжизалар майдони". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Детективлар клуби". Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Шим" Бадий фильм ("Ленфильм"). 22.45 Объективда — жониворлар. "Қўтос". Илмий-оммабоп фильм. "ВИД" таништириди: 23.05 "Фаберже олами". 23.15 "Музобоз". 00.35 "Авто-шоу" 00.50 "Ха". 01.20 "МТВ" Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Нота бене студияси. 9.35 Ишдан бўш пайтингизда. 9.50 "М-трест". 10.05 "Осойишта уй". 12.00 Вариацияли мавзу. 12.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 81-серия. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Россия Конституцион суди залидан.

15.30 Телебизжа. 16.00 "Қора барон ҳақида икки оғиз сўз айтиб қўйинг". 16.15 "Қўшиқ қаерга кетайди?". 16.45 Олег Митяев қўшиқлари.

17.00 — 18.40 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
18.40 Жума куйлари Уолт Дисней. "Спунер". Бадий фильм. 1-серия. 19.30 Мульт-пулти.

19.55 — 20.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Кечки салон. 23.55 Ўзлонлар. 24.00 Бизга номуъалум Россия. М. Цветаева тугилган кунинг 100 йиллигига бағишланади. 00.30 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 01.00 "Кузатувчи". Бадий фильм.

ШАНБА 3 ОКТЯБРЬ ЎзТВ 1

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Шахризоданинг янги эртаги". Бадий фильм. 1-серия. 9.05 "Менинг доирам". Болалар учун концерт. 9.35 Улмас Умарбеков. "Ойнинг олтин ўроғи". Видеофильм. 10.45 "Дўстлик" студияси кўрсатади. "Бекобод ва бекободликлар". 11.10 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 12.00 Мулоҳаза. Мусикий театрлар ҳақида. 13.00 Тижорат канали. "Данак ёғининг мўъжизаси".

17.00 Футбол. Осиё кубоги. Қирғизистон — Ўзбекистон миллий терма жамоалари. Бишкекдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.50 "Қуеннинг кўз ёшлари". Мультфильм. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ўзбекистон" Телевизион киножурнал. 19.30 Телевизион минаюралар театри. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Санъат усталари". Халқ артисти Қундуз Миркаримова. 22.30 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 2-серия. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ 11

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
11.05 Мультфильмлар тўплами. 11.50 "Дўстим йўқолиб қолди". Болалар учун фильм. 13.00 "Оба Дурмуш". Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.

17.05 "Иқтисодиёт ва ҳаёт". 17.50 "Мукам вағти". Хужжатли фильм. 18.00 "Ватан". Ахборот кўрсатув (рус тилида). 18.15 Телетатр. 19.15 "Таламнинг жилолари". Телефильм. 19.30 "Осиё овози". Концерт. 20.00 "Ватан". Ахборот кўрсатув. 20.15 Кичкинтойлар сизлар учун! 20.30 Туркменистон мустақиллигининг бир йиллигига. "Янлам диярим". Телетанлов. Марий вилояти. Кўрсатув тутагач — Футбол. Туркменистон чемпионати. "Копетда" (Ашгабат) — "Набитчи (Небитдаг). 2-тайм.

"ОРБИТА IV"

6.40, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Ишбилармон кишининг шаба тонги". 7.55 Янгилар. 8.30 "Моторлар оламида". 9.00 "Дастлабки скрипка". Мультфильм. 9.20 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.45 "Эльдорадо". 10.15 "Саҳна ортидан. Табассум билан". 10.35 "Инсон институти". 11.05 "Диккат: ёшларнинг Х...". 11.25 "Мусикий дўкон". 11.55 "Услуб". 12.25 "Қайтиш". 13.25 "ВИД" таништириди: "Иш". 13.50 "Қолима. Бир трест тарихи". Уч серияли телефильм премьераси. 1-фильм ("Лентелефильм"). 15.00 Янгилар. 15.20 "Муҳаббатнинг мангу қўшиғи". Киноконцерт. 16.20 "Мушукнинг уйи". Мультфильм. 16.35 "Саҳифаларни варақлаб". Цирк томошалари. 17.35 "Қизил квадрат". 18.15 "Театр ТВ". 19.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Висбаденга саёхат". Бадий фильм ("Ладья"). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Брэйв ринг". 22.15 "Юмор антологияси". Овоз тақлидчиси Ю. Григорьев. 22.55 "Хива". Телефильм. 23.10 "Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 "Ибодатхона томон йўл". 8.50 Ногиронлар спорт фестивали. 9.10 "Агар сиз...". 9.40 "Сергей Радонезский". 2-фильм.

10.25 — 13.40 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ
"Хамдўстлик" кўрсатув. "Бизнен мирас" (татар тилида). "Қизикувчилар олами". "Дидар" (қозок тилида). "Интерспорт".

13.40 Кундузги сеанс. "Ўшанда мен йўқ дегандим". Бадий фильм. 14.55 Ўзлонлар. 15.00 "Бахт қулиб бокқанда". 15.15 "Ўтмишдан келажакка. Жанубий Курия". 15.55 Россия қобусномаси. "Ёшлигимизда ўйнаб-қулиб қолайлик". Олим, профессор Юрий Михайлович Лотман тақдир ҳақида. 16.35 Футбол чегара билмайди.

17.30 — 20.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
20.30 "Бир кўринг-а". Ахборот-дам олиш кўрсатув (Франция).

21.10 — 22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 "Ретро-шлягер". 22.50 "А" программаси. "Флеш-квартет" гуруҳининг концерти

(Швеция). 00.20 "Тилла шпора".

ЯКШАНБА 4 ОКТЯБРЬ ЎзТВ 1

7.00 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди. 7.40 Телефильм. 8.00 "Туркистон" ахбороти.

8.30 "Шахризоданинг янги эртаги". Бадий фильм. 2-серия. 9.55 "Кичкина деманг бизни...". Спорт кўрсатув. 10.25 Болалар учун. "Ўйна, Назокат". 10.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар". 11.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Хидоятваннинг ижодий кечаси. 12.25 "Китоб ва ҳаёт". 13.05 Саид Аҳмад. "Қуёв". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

18.00 "Петянинг орзуси" Мультфильм. 18.25 Болалар учун. "Доно бобо даврасида". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 19.40 "Тараддуд". XI Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатув. 22.00 "Тошкентга саёхат". Фаргона вилояти мусикий драма театрининг спектакли. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ 11

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05 — 12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: "Мезгил бектин мезгили", "Бобок сенин жомоғун", "Оспурум". Бадий фильм. "Мовий кўзли тахтадевор".

18.05 "Қўртан балиқ амри билан". Мультфильм. 18.20 "Киномеридиан". 1-кисм. 19.30 "Ала-Тоо". 19.50 "Киномеридиан". 2-кисм. "Туткилик". Бадий фильм (рус тилида). 21.30 "Қадырман Қарыларын". Абдурашул Осмонов кечаси.

"ОРБИТА IV"

6.20, 15.15, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 "Рухни чиниктириш". 7.25 "Эрта сахарлаб". 7.55 Янгилар. 8.30 "Спортлото" тиражи. 8.45 Давлат "Марий эл" ракс ансамблининг концерти. 9.15 "Тонг юлдузи". 10.05 "Ти" белгиси билан". 10.55 "Янги авлод танлайди". 11.45 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 12.45 Киноҳақиқатми! "Ёркин йўл". Бадий фильм ("Мосфильм", 1940 й.). 15.00 Янгилар. 15.20 Мультфильм. 15.30 "Саёхатчилар клуби". 16.20 "Вокал тандеми". Л. Паваротти ва З. Соткилава. 16.30 "Уолт Дисней таништириди...". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). ЯКШАНБА КИНОКЎРСАТУВИ
19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Уруш". Бадий фильм (АҚШ, 1976 й.).

21.00 Футбол. Россия чемпионати. МАСК — "Спартак". 2-тайм. 22.00 "Якулар". 22.45 "Телеоция". 23.00 "Матадор". 24.00 Янгилар. 00.15 "Театр учрашувлари". 01.15 "Видеодром".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Фольклор. "Номуъалум маданиятлар". 8.50 "Келгуси йилда бизни нималар кутяпти?". Ўқитувчилар кунига. 9.20 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 9.35 "Ҳоҳ ишонинг..." 10.05 "Маски-шоу". 10.35 "Эскулап" программаси. "Қизчалар ва болақайлар, сизлар учун". Фильмининг таништириди. (Голландия). 10.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 11.15 "Қиролликдаги саргузашт". Қўғирчоқ мультфильми. 6-серия.

11.45 — 15.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИНИНГ
"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ
"Ягона оилада". "Поляклар меҳмонхонаси". "Рангинкамон" (тожик тилида). "Бекобод ва бекободликлар". Цирк программаси. "Дўстлар даврасида". Озарбайжон миллий маданият марказининг фаолияти ҳақида.

15.05 "XX аср кадрда ва кадр ортида". А. А. Ханжонков. 2-кисм. 16.05 "Ҳали англамаган кинот". "Наука-и религия" журнали ҳузурида меҳмонда. 16.50 "Ҳайвонот оламида". 17.50 "Ҳар бир кун байрам". 18.00 Хабарлар. 18.20 "Доразмон". Мультфильм премьераси. 4-серия.

18.35 — 23.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
23.00 Голливуд классик фильмлари фестивали. "Талса". 00.35 Катталар учун мультфильм. "Қўшиқчи ҳақида қисса". 00.55 "Голливудга борадиган поезд". Бадий фильм.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, оёйишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

«Постда»
«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда
Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.
Бу нашрларга келгўси йил учун обуна баҳоси
— 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

Санобар ҚОДИРОВА

КЎРИЧАК

(Интермедия)

[Операциядан чиққан беморни замбилда палатага олиб кириб ётқизишди. Бемор ҳушига келгач, уни бош врач йўқлади].

БОШ ВРАЧ: — Ҳа, Чўзаров, аҳволлар қалай? Анча яхшимилар?

БЕМОР: — Раҳмат дўхтир, ёмонмас.

БОШ ВРАЧ: — Энди касалхонадан чиққандан кейин оғир иш қип қўйманг-да, ишқилиб. Ўзингизни эҳтиёт қилсангиз, тезда дард кўрмагандай бўп кетасиз. Ҳа, дарвоқе, ким бўлиб ишлайсиз?

БЕМОР: — Магазинда сотувчи бўлиб ишлайман.

БОШ ВРАЧ: — Ундай бўлса, соҳангизни ўзгартирмасангиз ҳам бўлаверар экан.

БЕМОР: — Кечирасиз, дўхтир, сизга бир саволим, йўғ-е, бир илтимосим бор эди.

БОШ ВРАЧ: — Марҳамат, марҳамат.

БЕМОР: — Мени операция қилиб, ҳаётимни сақлаб қолган врачни кўрсам, девдим... Майлими?

БОШ ВРАЧ: — Ҳўп бўлади, бир оғиз сўзингиз. Ҳозир айтиб юбораман.

[У чиқади. Бир оздан сўнг эшик очилиб, хонага оқ халатли, ориқдан келган бир киши ҳовлиқиб кириб келади. Унинг орқасидан яна бир йигит билан қиз кўринади].

УЛАР (жўр овозда): — Ассалому алайкум, Чўзаров.

ВРАЧ: — Танишинг, булар шогирдларим. Мен эса сизни операция қилган врач бўламан.

ҚИЗ: — Уртоқ Чўзаров, қани энди барча беморлар ҳам сизга ўхшаса...

БЕМОР: — Илтифотингиз учун кўп раҳмат. Ўзи кўричак сурункали азоб бериб келарди. Операция қилдиришга чўчиб юрардим.

ЙИГИТ: — Сиз ишхонада беҳуш бўлиб қолган

экансиз. Дарҳол бу ерга олиб келишди. Биз ҳам қараб ўтирмай врачлик бурчимизни адо этдик, холос. Ўзим ҳали олийгоҳ толиби бўлсам-да, домлам Олворди Солвордиевичга бироз кўмаклашиб юбордим.

ҚИЗ: — Операцияда менинг ҳам ҳиссам бор. Камтарин хизматим олий даражада тақдирланганидан бағоят хурсандман.

ВРАЧ: — Чўзаров, боя сиз кўричагим бор, дедингизми?

БЕМОР: — Ҳа, у кўпдан бери менга азоб беради.

ВРАЧ: — Нега аввалроқ айтмадингиз? Биз кўричакни эмас, урилган ичакни операция қилдик-ку. Ичагингиз малҳамталаблигини билганимизда, уни кесиб ташлардик, аттанг... [Улар бир-бировига ҳайрат ичра боқишади].

БЕМОР: — Ҳа, майли, бўлар иш бўпти. Ҳар ҳолда сизларни рози қилсам девдим.

[Бемор чўнтак кавлайди]

ВРАЧ: — Йўқ, йўқ, қўяверинг, биз розимиз. Овора бўлманг. Операция қилаётиб, ичагингизнинг бир қарич ерида 100 сўмликлар қаторлашиб турганини кўриб қолдик. Санаб кўрсак ролпа-роса ўн минг сўм экан. Уч киши тенг тақсимлаб олдик. Шунинг ўзи етарли.

БЕМОР (хаёлида): "Э, магазинни ревизия босганда кассадаги 10000 сўм пулни қаерга яширишни билмай бир стакан сув билан ютиб юборибману, бу ёғини ўйламабман-да. Э, аттанг..."

ВРАЧ: — Ҳали менда кўричак ҳам бор, дедингизми...

БЕМОР: — Ҳа, айтгандим.

ВРАЧ: — Танимасни сийламас, дейдилар. Энди таниш бўлиб қолдик. Кўричакни кестиргани тўғри ўзимизга келаверинг.

УЧАЛАСИ (жўр овозда): — Хизматингизга доим тайёрмиз.


[Улар беморнинг тепасида бир қатор тизилиш-иб, кўллари кўксида қаддларини бўкиб қолишди].

ЭНИГА: 1. Ливия пойтахти. 4. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқидagi штат. 10. Германиядаги университетлардан бирининг номи. 11. Машҳур футболчи. 12. Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидagi шаҳар. 15. МХРда давлат ҳокимияти органлари номи (1924 йилдан). 18. Польшадagi шаҳар. 19. Суриядаги шаҳар. 20. ХХР Шинжон-Ўйғур автоном районининг маъмурий маркази. 21. Икки даре оралигининг шимолидаги давлат (ҳозирги Ироқ ҳудудиди). Милоддан аввалги 605 йили Мидия ва Бобил томонидан тугатилган. 24. Украинанинг шимолий қисмидаги шаҳар. 26. Краснодар ўлкасидаги шаҳар. 27. Украинадаги вилот маркази. 31. Буюк Британиянинг 1937-41 йиллардаги бош вазири. 33. Ислон динидаги пайгамбарлардан бири. 34. Гарбий Сибирдаги даре. Обнинг ўнг қирғоғи. 35. Россиядаги шаҳар. 36. Ҳиндистоннинг шимолий шарқидagi штат.

Бўйига: 2. Швеция ва Франциядаги даре. 3. Даниядаги шаҳар ва порт. 5. Дунёда кенг тарқалган уч диндан бири. 6. Волга дареси бўйидаги шаҳар. 7. 1960-69 йиллардаги Покистон президенти. 8. Саудия Арабистонидаги шаҳар. 9. АҚШнинг 35-президенти. 13. Бобил подшоси (милоддан аввалги 1792-50 йиллар). 14. Номи 1921 йилгача Александровск бўлган Украинадаги шаҳар. 16. Жанубий Африкадаги мамлакат. 17. Кипр Республикаси пойтахти. 22. АҚШ жанубидаги штат. 23. Испаниядаги шаҳар. 25. Янги Зеландиядаги шаҳар ва порт. 28. Гарбий Африкадаги давлат. 29. Бразилиянинг шимолидаги шаҳар. Пара штатининг маъмурий маркази. 30. Норвегия пойтахти. 32. Филиппиндаги шаҳар ва порт.

Тузувчи Й. НАСРИДДИНОВ,
милиция подполковниги.

БОШҚОТИРМА



Газетамизнинг 16 сентябрь сонидида чоп этилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Опера. 2. Дохий. 3. Ирфон. 4. Найчи. 5. Ажзий.

Чап томондаги биринчи устун: Одина.

Ўнг томондаги сўнги устун: Айний.

Бахтимсан, баҳоримсан

(ҚАТРА)

Азизим Бону! Мана, кўп йиллар ўтди, кўп суварлар оқиб кетди, лекин ҳанузгача сени эсласам, кўнглим сув ичгандай бўлади, қалбим дутор куйларидай ҳазин ва ёруғ қисларга тўлиб тошади...

Бугун сен туғилган кун. Шу баҳона кўнглимдагиларни мана шу оппоқ қоғозга тушириб, оз бўлса-да, ўзимга таскин беришга қарор қилдим. Чунки бундан ўзга чора йўқ.

Ҳаммаси тушдек ўтди-кетди. Ҳаёлимда ҳам ширин, ҳам аччиқ узук-юлуқ хотиралар қолди. Қаршимда табиятан уятчан, лекин хушфелл ҳам эмас, ўйчан, хафахол, дилини қандайдир алам тирнаётган нотаниш хилқат ўтирарди гўё... У хаста дилини ошкор этишни истамас эди...

Чуқур ўйга толаман. Сенинг юракни ўртовчи сўнгги сўзларинг

қулоғим остида қайта жаранглади: "Сиз мени... мени хиёнатчи, бевафо деб ўйлайсизми? Ўзингиз-чи... ўзингиз нега менга шунақа... бепарво қараб келдингиз?"

Сен кўзларимга биринчи марта дадил тикилиб, мендан жавоб кутгандинг. Мен бўлса, ўша пайтда бир нима дейишга ожиз эдим. Чунки сен ҳам ўзингча ҳақ эдинг.

Кечир мени, Бону! Аммо гуноҳкор эмасман. Ўша, ҳаммаси учун битта мен айбдорманми? Йўқ, муҳаббатимизнинг уволини иккаламиз баровар бўлишиб оламиз. Ушанда мен ёшлик қилиб ҳиссиётларимни ошкор этолмадим.

Бироқ қатъиятсизлигинг билан орзу-умидимни тупроққа қориштирган сен эмасмидинг? Сенинг хатоинг менинг гуноҳларим олдида соя

ҳам бўлолмайди-ку.

Сен ҳақингда хотираларим шудрингдек тиниқ, бебаҳо томчилардан тўпланган эди... Япроқлардаги шудрингни силтаб, тўкиб юборса бўлади, бироқ хотираларни унутиб бўлармиди?

Бугун сенинг туғилган кунинг. Балки ҳозир яқинларинг сени бу улуг айём билан қутлаб, янги узилган ранго-ранг гулдасталар тортиқ қилаётгандир... Сен эса илиқ табриклардан сармаст бўлиб, еттинчи иқлимда учиб юргандайсан...

Мен сени таваллуд топган кунинг билан қутлайман, қарорсизгинам. Кўзларим қорачуғидек асраган муҳаббатим ҳаққи, сенга бахт тилайман.

Анваржон РЎЗМАТОВ,
милиция капитани.

ДМИТРИЙ ЯКОВЛЕВИЧ МИРЕЦКИЙ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги Дмитрий Яковлевич Мирецкий 72 ёшида тўсатдан вафот этди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай у 40 йил давомида ички ишлар идораларида масъул лавозимларда хизмат қилди. Самарқанд вилояти ИИБ котибиятини бошқарди, кейин унинг ҳаёти узоқ вақт жиноят-қидирув бўлинмалари хизмати билан боғланди. Бир неча йил мобайнида Ўзбекистон ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. Ана шу даврда кўплаб оғир жиноятларни очиш жараёнида оператив-тергов гуруҳларига моҳирлик билан раҳбарлик қилди.

Истеъфода чиққандан кейин эса олти йил республика ИИБ музейини бошқарди.

У "ИИБда хизмат кўрсатган ходим" нишони ва бошқа қатор мукофотлар билан тақдирланган.

Дмитрий Яковлевич Мирецкийнинг порлоқ хотираси қалбларимизда сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ.



ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси жамоаси пост-патрул хизмати полкиннинг 6-ротаси милиционер-ҳайдовчиси

Пейсенбой МУРОТОВНИНГ

тўсатдан вафот этганини билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.